



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 31-oktabr • №44 (4287)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

“ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли меҳмонлар!
Муҳтарам конференция иштирокчилари!
“Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакилларини, таниқли олим ва экспертларни қўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири – Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни қўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув хавзаларида йилга 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув хавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйла-масдан улкан гидротехник иншоотлар қурилган, трансчегаравий дарёлар касалланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидagi ғоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув хавзаларида бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгидa батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли қўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшайётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қўйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизидa илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сўт эмизувчиларнинг 12, қўшларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қўриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожаия кўпайими, бу ерда яшайётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг Орол фожаиясининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар кун и сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳратон

қишнинг узоқ давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшайётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий заҳиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тadbирларни амалга ошириш зарур:

биринчидан — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, қўллашга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

иккинчидан — Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

учинчидан — аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшайётган аҳолида тушқунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларини яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўйилисиз;

тўртинчидан — ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув хавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан тақлиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожаиясига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшайётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш ғоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далolat беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам бунга тасдиқлайди. Утган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи хавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислom тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувait ва бошқалар ҳисобинан ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмағида Орол денгизи хав-

засидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шунинг оқибатини керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшайётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожаиясининг кенг қўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислom тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутуши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга қўмак беради.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби суви тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, суви тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар-жой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдирини ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсади, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга ҳамминий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сийҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Ислom КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Оролни қутқариш халқаро
жамғармаси раиси



ОРОЛБЎЙИ жаҳон ҳамжамияти эътиборида



«ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Мамлакатимиз Президенти Ислom Каримов ташаббуси билан “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида 28-29 октябр кунлари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, шунингдек, ер, сув ва экология масалаларига доир кўплаб халқаро ва минтақавий марказлар, нуфузли жаҳон банклари, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари раҳбарлари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Испания, Германия, Литва каби ўттизга яқин мамлакатларнинг олим ва мутахассислари, эксперт ва экологлари, хорижлик дипломатлар иштирок этди.

Давоми иккинчи саҳифада.

УМИД ВА ИШОНЧ

Ёш ижодкорлар семинари

Истиқлол мевалари

“Дўрмон” ижод уйида ёш ижодкорларнинг “Истеъдод мактаби” республика семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 25 нафар ёш ижодкор иштирок этди. Ушбу анжуманга қалар Элиқалъа, Шаҳрихон, Термиз, Навоий, Янгийўл ва Тошкент шаҳарларида ёш ижодкорларнинг минтақавий семинарлари бўлиб ўтган эди. Уларда 150 нафар ёш қаламқашлар назм, наср, бадий публицистика, болалар адабиёти ва бадий таржима йўналишлари бўйича ўз ижод намуналари билан қатнашдилар.

Давоми учинчи саҳифада.

“ДИЛКУШО ТАКРОРЛАР ВА РУҲАФЗО АШЎРЛАР”


Ҳазрат Алишер Навоий ижоди мисли битмас-туганмас ҳазинадек сўз дурларига бой, поэтик тафаккур ўфклари эса чеку чегарасиз экани аён ҳақиқатдир. Замонлар оша бу буюк мерос ўқиб-ўрганилиб келинаётган ва айни жараён бугунги кунга келиб янгидан муҳаббат ва ғайрат билан давом эттирилаётган.

Навоийшунослик тарихидан маълумки, улуг шoirнинг ғазал ва мухаммаслари, рубоийи ва қитъалари бир қадар тадиққ этилган, кичик ҳажмдаги шеърлари илмий ўрганилган. Бироқ

хулосалар эътиборга молик.

Атоқли навоийшунос олим Азиз Қаюмов “Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” номли китоби кириш сўзида ёзади: “Қамина ҳам Р.Орзиевков китобида айтилганларни тўлдирувчи ва давом эттирувчи фикр-мулоҳазаларимни ушбу асаримда келтирмоқчиман. Умид қиламанки, ёш тадиққотчиларимиз бу ишларни бундан буюн ҳам мукамаллаштириб боради”.

Дарҳақиқат, китобнинг биринчи бўлимига таржибанд, таркибанд, соқийнома, қасида син таҳлили ва тадиққига бағишланган шеърлар бадий тадиққотлар орасида адабиётшунос олим Р.Орзиевковнинг “Ўзбек поэзиясида мураккаб структуралар жанрлар” номли китоби ва ундаги таржибанд, таркибанд, соқийнома, марсия ва қасидалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, қулатишлар, маълумот ва илмий



“Назм ул-жавоҳир” тўртликлар тўпламининг моҳияти ва ғоявий мазмунига оид илмий қулатишлар, шарҳ ва таҳлилар китобнинг кейинги алоҳида бўлимида келади. “Навоийхонлик алифбоси”, мутафаккир адибнинг шеърли, насрий, форс-тожик тилида ёзган асарлари тўғрисида Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” китобининг кейинги саҳифаларида ўқийсиз. Бу китоб Алишер Навоийнинг йирик ҳажмдаги шеърлари тўғрисида ўқувчиларга кенг тасаввур беради, уларнинг буюк сўз санъаткори ижодиётининг фазилатнафосатидан баҳра олиш имкониятини кенгайтиради.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган “Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” китобини А.Олимов нашрга тайёрлаган. Китобга С.Ҳасанов ва М.Маҳмудовлар муҳаррирлик қилган.

Дунё кезган жаҳонгашталар йўл юрса ҳам мўл юриб, ўз Ватанига қайтганида ҳайронлар қолармиш... Ватаним бўсағасидан нари ўтмасан ҳам, Оролга ҳар сафарги саёҳатим чоғида менда худди шундай таассурот қолади.

Анъанага айланган байрамларнинг бирида шоир Бахтиёр Генжамурод билан Мўйноқ шаҳридан ўттиз беш чақирим жанубда жойлашган Мадали элатига етиб келганмишда, ўз тасаввуримга ўзим ишонмадим. Авваллари, бу элатга қадимдан етмаса ҳам, унинг қиёфаси кўз ўнгимда аниқ гавдаланиб турарди. Ахир, таниқли ёзувчимиз Кароматдин Султоновнинг "Оқдарё" романидаги жаҳон урушидан анча олимсда жойлашган денгиз билан инсоннинг чамбарчас боғланган ҳаёти ва эл бошига кулфат тушган пайтга тўғри келди.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

ган Жамила ва Жумабойнинг жўшқин ёшлигию жувонмарг тақдири кечган эл-элат, шу, Мадали эмасми?

Ана, Оқдарёнинг асов тўқинларини ёриб сузаётган қайиқда эркаклар ўрнига Жамила эшаётган эшаклар шалополаши, ана, қишқи балиқ ови мавсумида қанғиган катта-катта муз бўлаклари, Оролнинг ноилжол тўқунлари — эркак ва аёл ҳиссиётлари ва, ана, бепоев сув саҳросидан қайтмаган ёрини кутиб, соҳилда рўмолини шабада елпиган бетоқат жувон...

Ойдинлар, ойдинлар, чексиз ойдинлар, Севар ёрга мендан салом айтинлар. Тўқинлар, тўқинлар, асов тўқинлар, Севикли ёрини олиб қайтишлар...

Бу шеър кейинроқ ёзилган, лекин минг йиллардан буён Орол соҳилининг мадҳияси янглиғ, ўша оқдарёлик Жамиланинг бошига кун тўғиб, этиги билан сув кечган замоналар ҳам янграган шекилли... Ўша бемаъни урушга Мўйноқдан кетган девқомат алпларнинг аниқ саноғи тўрт мингдан зиёд эди. Кетганлари қайтмади, қайтганлари мажруҳ эди... Соҳилда қузатган ва қутганларнинг денгизга қарай-қарай кўзлари толди. Ойдинлар ўша олиб кетганларини қайтармади, ойдинлар соҳилда қолганларни ҳам орзу-умидлари ва туйғуларидан жудо этган эди... Улар ҳам юртига — ўз кўнглига қайтмади.

Урушга нафақат айл йигитлар кетди. "Ўзининг Оролидан сўнгги марта сув ичган сизир подалари денгизга алвидо назари билан қаради-ю, Устюрт кенгликлари бўйлаб Ватан ҳимояси учун фронтга отланди", дея айоханнос солган кинохроника тасвирларини эсланг. Устюрт орқали фронтга ҳайдаб кетиладиган қорамолларнинг тўпланадиган макони — Орол соҳили эди. Хар сафар бош сони ўн мингга етганида пода-пода сизирлар қаровни йўлга тушарди...

Яна бир аср орқага қайтайлик. Ўшанда

Бердақ бобомиз "Денгиз балигини бермади", дея зорланган эди. Денгиз оқ кўпик уфуриб, тўлиб тошар эди, денгиз балигини бермасди... Сабаби, денгиз эгасиз, унинг бепоев мавжларида сузган кемаларнинг даргалари қорақалпоқлар эмасди. Улар сув кечиб чанқан, соҳилида яшаб, денгизга эгаллик қила олмаган одамлар эди. Ўша пайтлар, ўтган аср бошларида Мўйноқда аросат бошланди. Денгиз кемалари, балиқчи музлатиш ва қайта ишлаш корхоналари, асосан, "ўролликлар" қўлида эди. Маҳаллий халқ эса уларга ёлланар, хўжайинлар эса улар меҳнатининг роҳатини кўрарди.

Бадиа

Кувончбой оғадан байрам тантанасини очиб беришини илтимос қилганларида, у гапнинг тўхталасини айтиб қўя қолди: — Ўғил-қизларим, оғайнилар! Денгиз кўз ўнгимизда аста-секин қуриб бораётган пайтлари яшашдан умидимиз

ҳам йўқолиб бораётган эди, шекилли. Худога шукри, мана, бугун барчамиз фаровон ҳаёт кечираёпмиз. Мустақиллик байрамининг тўқин дастурхони атрофида ўтирибмиз. Халқимизнинг илдири мана шу Мадали тупроғига қанча теран томир отган бўлса, мустақиллик руҳи ҳам қалбимизда шундай теран томир отган. Бу эркин дунёнинг қадрига етиб ашайлик, шунда оғиримиз енгил тортади.

Оқсоқолдан сўнг сўз олган Тўқжон тўғрисида алоҳида гапирмасак, ноқулай бўлади. У денгиз тўла пайтларидаги ёшлигида Югославияда ўтказилган халқаро ёшлар фестивалида қорақалпоқ дутори билан қўшиқ айтганда, "шундай тиник, лекин қудратли овоз қайдан чиқди, қўлидаги чалаётган нарсаси нима экан", деганлар бўлган. Тўқжон ўшанда дунёни лол қолдирган. Ҳозирда у туман "Маҳалла" жамағатининг бошқармоқда. У расмий гапирса ҳам, қаддиқомати ва овози билан ҳар қандай гўзаллик танловларининг қолиби, деб қўя қолгингиз келади. Тўқжон гапини асли мўйноқлик қорақалпоқ адабиёти оқсоқоли Тиловберган Жумамуродов шеърларини ёддан ўқиб тугатди.

Туман ҳокимининг муовини Кунсулов кизимиз эса ёш ёзувчи. Унинг икки жигити бўлибмиз. Унинг маслаҳат берган эдим, лекин одамлар олдидаги бундай жўшқин ва маъноли гапларини эшитмаганим...

Тантанадан сўнг, ёнимга кекса бўлса ҳам соқол қўймаган бир оқсоқол келди.

— Ўрозбой иним, китобларингни кўп ўқиганман, айниқса Орол тўғрисидагиларини. Бир кўрсам деб юриб эдим, оддийгина одам экансан. Сен шунчалар Оролни, Мўйноқни кезиб юриб, бирон марта бизнинг Мадалига қадиминг етмади. Ҳатто барча ёзганларингда ҳам Мадалини бирон марта тилга олмагансан. Очигини айтсам, сендан ўпкалаб юргандим...

САНОАТ РАВНАҚИ — ВАТАН РАВНАҚИ

Мана тўрт кундирки, пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишнини давом эттирмоқда. Тадбирда мамлакатимиздаги 1700 дан ортиқ ташкилот ва корхоналар билан бирга 50 дан зиёд мамлакатнинг 1200 компания ва фирмалари вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Мустақиллик йилларида саноатимиз гуржириб ривожланмоқда. Йигирма мингдан ортиқ халқаро стандартларга мос ва импорт ўринли босувчи маҳсулотлар жойлаштирилган "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазма заллари ҳамда очик майдонда машинасозлик, фармацевтика, нефт-кимё, электротехника, озиқ-овқат, энергия саноати, қурилиш, металлургия каби иқтисодий тармақларнинг етакчи тармақларида хайр бераётган янгилардан хабардор бўласиз. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб келаётган кўргазма қатнашчилари орасида ҳар хил соҳа эгаларини учратишингиз мумкин.

— Қишлоқ шароитига мослаштириб қурилган мана бу печларга қаранг, — дейди бухоролик нафақаддаги ўқитувчи Садри Қўлдошов. — Ўзимизнинг оддий печлардан фарқи йўқ, аммо бу кўриниши, иссиқлиги узоқ вақт ўзида тутиб туриши билан айнан бизнинг экан. Нарҳи ҳам унчалик қимбат эмас. Авваллари печкага кўмир ёқадиган бўлса ҳамма жойга қораси юқарди. Эндиликда "Ангрэн кўмир брикет" корхонаси ишлаб чиқараётган брикетлар кўмир қукунидан энг сўнгги

русумдаги ускуналарда тайёрланаркан. Унинг қораси ҳам ўқийди, ўзидан зарарли хид ҳам чиқармайди. Ёки мана бу кўёш батареяларини айтмайсизми. Беминнат кўёш ёрдамида сувни иситиш, нафақат хонадонларни, балки цехларни, боғчаларни, шифохоналарни ҳам иссиқ сув билан таъминлаш мумкин. Бизнинг шароитимизга мослаштирилган мана бу фотоэлектрик станцияларнинг ишлаш муддати 20 йил эканлиги эса аниқ мўлдоо. Кувончбойнинг эса аниқ мўлдоо. Кувончбойнинг эса аниқ мўлдоо.

Мана, Марказий Осиёда ягона бўлган "Zhuo Globus" фирмаси ишлаб чиқараётган глобуслар. Уларга ҳозирнинг ўзида қанчадан-қанча бюромачилар бюртма берибди. Ёки йиллар ўтса-да, ҳамон қадри

қойнак-пиёлалар ишлаб чиқарадиган Навоийнинг "Boston chinis" хусусий корхонаси маҳсулотларини, Ўзбек-Россия "Мосантекс" қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган кийим-кечак маҳсулотлари олдида эса хорижлик меҳмонларни ҳам учратишингиз мумкин.

— Корхонамизда йигирма турдан ошқик ҳар хил ҳажмдаги кўрпа-кўрпача, чойшаб, ёстиқчилар тикилади. Ярмаркада 200 миллион сўмлик шартнома имзолаш ниятимиз бор, — дейди Жизза вилояти "Nozimabegim pasibasi" хусусий корхонаси раҳбари Насиба Илёсова. — Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг сифати ва пишиқ-пухталиги, ранги ўчмаслиги, гижим бўлмаслиги билан харидорлар. Рақобатчиларнинг кўпайётгани сиздан иланиши, ўз устидангизда кўпроқ ишлашни талаб қилади. Чунки харидорлар энг яхши сиз танаб олгиси келади.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси таркибидagi корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳам кўпчилигида қизиқ уйғотмоқда. Масалан, "Savdoenergo" акциядорлик жамияти электрэнергетика этиёжлари учун тикилган махсус кийимлари билан иштирок этаётган бўлса, "Elektrishloqkorilish" акциядорлик жамияти юқори қучаланиш электр узатиш линияларини, электр нимстанцияларини

қуриш ва таъмирлаш, металл конструкциялар, темир-бетон танчлар, қурилишлар учун йиғма темир-бетон маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

— Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, хомаш ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри сотиб олиш имкони борлиги микозларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди ушбу корхона етакчи мутахассиси Дилбар Абдурахмонова. — Бу эса соҳа, соҳаларро ва халқаро кооперацияни ривожлантириш асосида янги ишлаб чиқариш турларини ўзлаштириш, хорижий ва салоҳиятли ҳамкорларни жалб қилиш учун янги имкониятлар эшигини очди.

1 ноябргача давом этадиган VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирокчиларга вазирилик ва идоралар, банклар, сугурта компаниялари, сертификатлаштириш ҳамда стандартлаштириш соҳасидаги ташкилотлар мутахассислари онлайн тарзда ўз хизматларини тавсия этмоқдалар. Қолаверса, ярмарка нафақат ички, балки ташқи саноатчилар билан алоқаларнинг мустаҳкамланишига замин яратди. Эеро, ушбу тадбир турли соҳа мутахассислари ва компаниялар раҳбарлари учун ўзаро алоқаларни ривожлантирувчи мулоқот марказига айланиши шубҳасиз.

Барно СУЛТОНОВА

— Кечирарсиз, оқсоқол, ўзлари ким бўладилар?

— Мен Болтабой Тиловбергенов, шу ерлик дўхтурман.

Ростини айтсам, Болтабой оғанинг ўпкалаганидан чўчи кетдим. Чунки Мўйноқликларнинг тўғри сўзли, кўнглидагини яшириб ўтирмайдиган, агар гапини тушунмай қолсангиз, оқибатини сўкиш ёки тарсаки билан тушунтирадиган одатларини ҳам билардим.

— Ўпкалаганингиз тўғри, Болтабой оға, — дедим унга, — Сизнинг касбингизда қандай эканини билмадим-у, лекин, адабиётда қандайдур мантиқдан ташқари нарсалар бор: яъни "дардин дард билан ёзасан", дейишди. Мен бу ерга келмасам ҳам, овулингизнинг денгиз кесинаётган пайтлардаги турмуш тарзини кўз ўнгимда тасаввур қилганман. Лекин денгизнинг асосий дарди соҳилда эди. Мен ўша дардининг ичиди бўлишга ҳаракат қилиб, соҳилни айланиб югуриб, Оролни изладим ва ҳалигача топа олмаёяман... Мен ҳали кўп жойларни кўрмаганман, лекин ҳалигача йўлдан чалғиб, "қорин тўйса, қурбон-ҳайит" дейдиганлар хилидан эмасман. Мана, келдим-ку Мадалига...

— Тушундим, сени, тушундим, — деди Болтабой, — лекин, сенга айтадиган бир гап бор.

— Нима гап экан?

— Мен тиббиёт институтини битириб, овулга келганимда, кичкинагина қишлоқ врачлик пунктда ётиб довланадиган шифохона очилиб, шу ерда ишлаб қолганман. Сўнг ушбу стационар янада қучайди. Лекин бу чекка жойга малакали мутахассис докторлар ишга келавермасди. Шунинг учун, оддий терапевтликдан бошлаб, жаррохлик, педиатр, дерматолог, невропатолог... хуллас, охири акушер-гинекологгача ҳар хил тиббий касбларни эгаллаш учун тўққиз марта Тошкентда малака оширишимга тўғри келди. "Қайноганинг қўлида кўз ёригандан кўра, туғмаганим бўлсин", деб баъзи келинлар шахарга ҳам бориб кўрди. Лекин Оллоҳнинг берадиганига шахар ҳам, "Тез ёрдам" ҳам улғура олмас экан, талай чакалоқни мана шу ерда қафтимга олганман...

Яқинда овулга тиббиёт назоратидан мутасаддилар келиб, "стационарингизда канализация йўқ экан", деб шифохонани ёпиб кетди... Бугги нима бўлади, билмадим, энг ақил тиббиёт маскани Мўйноқда, бизгача қирқ чақирим бўлса... Майли, энди, гап бўлсин, деб айтгимда қўйдим. Сен овулни ёзмоқчи бўлсанг, атайлаб кел, бундай байрам ташвишларида куй-қўшқидан бошқасини кўра олмайсан...

Мўйноқ билан Мадалида экологик фожиа марказида яшаётганидан мағрурланиб ёки қайғуриб ўтирмайдиган, асл маънода дарё тошга тўғилмаган келмайдиган ажойиб, мард одамлар яшайди. Тақдирининг Орол синовидида яшаб, тўйларни тўйлардан ошириб ўтказадиган бу халқнинг иродаси таҳсинга лойиқ. Тўйлардан кейин ҳам ҳаёт давом этмоқда... Бахтли ҳаёт!

Мўйноқ — Нукус — Тошкент.
Октябр, 2014 й.

Кейинги пайтда шахар ва қишлоқларимизда ҳашаматли тўйхоналарнинг қад кўтарилгани юртимиз кўрғига кўрк қўшмоқда. Бу тўйхоналар, айниқса, шахар шароитида кўп қаватли уйларда, кичик ҳовлиларда истиқомат қиладиган аҳоли учун аниқ мўлдоо.

Яқинда ана шундай кўркем тўйхонада ўтказилган бир тўйда бўлдим. Яйраб дам оламан, куй-қўшиқ тинглаб ҳордиқ чиқараман, деган ўйда қариндошлар ёнидан жой олдим. Тўй бошланганда санъаткорлар икки-учта ўзбекча қўшиқ қуйлашди. Бироқ, ҳеч

"БАЛАНД-БАЛАНД ТОҒЛАР..." КИМНИКИ?

қанча вақт ўтмай ўзимни дискотекага тушиб қолгандай ҳис қилдим. Шовқин-суронли мусиқага басма-бас айтилаётган ажабийча салоларнинг гўмбур-гўмбуридан ён-атрофингиздагилар билан ҳол-аҳвол ҳам сўрашолмайсиз. Бу ноҳус манзара кесароқ бир амакнинг ғашига тегди шекилли, қўшиқчиларга миллий қўшиқлардан бирини айтишни илтимос қилди. Эндигина "Баланд-баланд тоғлар ортита...", деб аж парлада қуйлаётган хонандага ўртадагилар бақириб-қийқириб ҳалал бера бошлашди. Хуллас, бу қўшиқ охиригача айтилмади.

Тўйларимизга фазл қўшувчи русулардан бири — оналарнинг янги келин-қўёларга юракларидagi эзгу ниятларини изҳор этиб, дуолар қилишган лаҳзалардир. Мана, бошловчи даврага онахонларни тақдир эти. Одатда, оналар ўртага чиқаётганда улар учун мусиқа янграйди. Бу сафар машҳур "Ромео ва Жулетта" филмидан ҳам-

ЖАНР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашининг навбатдаги йиғилишида Қурбон Мухаммад Ризо-нинг тарихий мавзудаги "Олами фано" романи муҳокама қилинди. Кенгаш раиси Улубек Ҳамдам асарнинг тарихий маълумотларга бойлиги, иқодий изланишлар маҳсули эканини таъкидлаб, услуб, бадиият ва тил масалаларида маромига етмаган ўринларга эътибор қаратди.

ОРОЛЬЙИ жаҳон ҳамжамияти эътиборида

Бошланиши биринчи саҳифада.

Анжуманнинг дастлабки куни иштирокчилар худуддаги бир қатор ижтимоий объектлар ва амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Республика ихтисослаштирилган урология маркази Хоразм филиали, онкология диспансерининг лаборатория жихозлари, тиббиёт ускуналари, малакали шифокорлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсати-

ция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ўқиб эшиттирди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун анжуман иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатида 66 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган улкан худудда одамлар соғлиғи ва атроф-муҳитга катта зарар етказётган мазкур экологик бўҳрон муаммолари муҳокама-

Она сайёра — қўриқхона

ши учун яратилган шарт-шароитлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Урганч ва Беруний туманларига ташриф буюрган анжуман қатнашчилари Оролнинг суви қочган худудларида барпо этилаётган ихтозорлар учун қўчат етиштириш жараёни билан танишдилар ва ўзлари ҳам янги боғларга ниҳол қададилар. Ден-

сига бағишланган халқаро конференция ўтказиш нечоғли муҳимлигини таъкидлади.

ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова табриги ўқиб эшиттирилди. БМТ Тараққиёт дастури раҳбари ўринбосари Ойша Жаҳон Султоноғлу, Ислон тараққиёт банки минтақа ваколатхонаси раҳбари Ҳишам Маъ-



гизнинг қуриган жойларида халқаро ҳамкорлар кўмағида 400 минг гектар сунъий ўрмон-бута-зорлар вужудга келтирилгани ва бу сайё-ҳаракат муттасил давом этаётгани Орол фожиасига бера-фарқ бўлмаган барча мутахассисларни мамнун этди. "Elecnor S.A" менежери испаниялик Хуан Барба Касерес ўз компанияси чиқарадиган микробил энергияда ишловчи сувни қўчқуқландириш қурилмаларидан Оролбўйида фойдаланиш бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан таништириш, ушбу муаммоларни ечим бўйича ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва тажриба алмашиш масалаларига бағишланган анжуман ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамағатлари раиси Ислон Каримовнинг конферен-

руф, Осиё тараққиёт банки департаменти бошлиғи Акмал Сиддик ва бошқалар ўз сўзларида Президентимиз халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида Орол инкирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокати таъсирини пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали қайта тиклаш бўйича кўннинг энг муҳим вазифаси сифатида кун тартибига қўйилганини алоҳида таъкидлаб, амалий фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Анжуман доирасидаги мажлисларда сув манбаларидан тежамли фойдаланиш, бошқариш тизимини такомиллаштириш, аҳоли генофонди ва соғлигини сақлаш, экотизимлар ва биохилма-хиллигини тиклаш юзасидан маърузалар тингланган, конференция иш натижалари бўйича яқиний ҳужжат қабул қилинди.

Қуёнчак газетхондан мактуб

мага яхши таниш мусиқа янгради. Ўзим бу мусиқанинг шайбосиман. Балки бошқаларга ҳам ёққандир. Аммо бекитиб шу паллада мунис онахонларимиз учун ўзимизнинг ўзбекона мусиқа янграшини жудаям хоҳладим. Ахир, биз илгари оналар даврага чиққанда миллий оҳанглари янграшига ўрганганмиз. Чунки оналар ҳақидаги гўзал қўшиқлар ёшларимиз қалбига ҳам чўқур ўрнашиб, уларнинг меҳру садоқати ўргатиш шубҳасиз.

Одамлар тўйга келин-қўёв ва яқинларини табриклаш, яхши тилаклар билдириб, қариндош-уруғлар билан дийдорлашниш учун боради. Аммо айрим тўйлардаги тартибсизлигу олатасирда на гаплашиб, на дийдорлашиб бўлади. Бош оғриб, қулоқ битиб, чарчаганинг қолади, холос. Тўйларда 7 ёшдан 70 ёшгача кескаю ёш қатнашинини ҳисобга олиб, тўй эгаси, маҳалла фаоллари бундай тадбирларнинг ҳаммабоп тарзда ўттишига бош-қош бўлишлари кесрак эмасми?

"Оммавий маданият"нинг бир қўриниши бўлган биз тилга олган ҳолатлар ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Балки баъзилар "замонасига яраша-ла", деб уларни оқлаши мумкин. Аммо айнан шундай бепарво муносабат ёшлар орасида миллий менталитетимизга ёт тушунчаларнинг урчишига олиб келмайди, деб ким айта олади?

Муъясар ИСЛОМОВА

мотлар талқинида айрим камчиликлар, бадиий тўқималарнинг эса миллий қадриятларга ўйналтириш кетмагани ҳақида сўзлади. Ёзувчи ва адабиётшунос Собир Ўнар, Ислон Ёқубов, Саъдулло Қуროнов ва бошқалар ҳам роман жанрига хос жиҳатларини ҳисобга олиш юзасидан фикр юритдилар.

Кенгаш муҳокамасида асарини ҳали ҳудудий таҳрир ва тўзатишлар билан қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида муаллифга тавсиялар берилди.

Ахборот хизмати.

ЮРТ ЭРТАСИ УЧУН БЕЛНИ БОҒЛАГАНМИЗ

УМИД ВА ИШОНЧ

Ёш ижодкорлар семинари

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ана шу минтақавий семинарлар голиблари "Ихлос" жамоат фонди хомийлигида нашр этиладиган "Биринчи китобим" йўлланмасини қўлга киритиш учун беллашдилар. Анжуман Ўзбекистон Миллий боғида Алишер Навоий бобомиз ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошланди. Сўнгра Ёзувчилар уюшмасида анжуманнинг очилиш маросими бўлди. Устозлар Муҳаммад Али, Абдулла Орипов, Махмуд Тоир, Кенгесбой Каримов, академик Азиз Каюмов ёш қаламкашларга ўзларининг эзгу тилаklarини изҳор этдилар.

Шундан сўнгра семинар қатнашчилари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонасида бўлиб, зият маскани фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шу ернинг ўзига "Ватан тарихини қандай ўрганмоқ керак" мавзусида тарихчи олимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Жумладан, "Тарихий асарлардаги бадиийлик ва бадиий асарлардаги тарихийлик" мавзусида тарихчи олимлар Неъматилла Полвонов, Зиявуддин Жўраев ва Олтиной Масалиевалар билан ижодий мулоқот аниқсиз қизиқарли ўтди.

Кўннинг иккинчи ярмида анжуман ўз иштини "Дўрмон" ижод уйида давом эттирди.

Семинар иштирокчилари назм, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий публицистика ва бадиий таржима йўналишлари бўйича шўбаларга бўлиниб, таҳлилий машғулотлар

ўтказилди. Уларни таниқли шоирлар ва адиблар, драматурглар ва таржимонлар, публицистлар, бир сўз билан айтганда, тажрибали устозлар олиб бордилар. Машғулотларнинг қизгин ва кўтаринки руҳида ўтгани, ёш ижодкорларнинг машғулотларга талабчанлиги ҳис этиб, масъулият билан ёндошганлари барчада мамнунлик туйғусини уйғотди. Шўбаларда қизиқарли бахслар, таҳлиллар, маҳорат дарслари давом этди.

Анжуман доирасида "Истеъдод мактаби" семинари қатнашчиларининг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти", "Ёшлар" журналлари таҳририятлари ижодий ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Устоз ижодкорлар ёшларнинг илк машқлари ҳусусида, юртимизда кечаётган бугунги жўшқин ўзгаришларга ижодкор муносабати ва бошқа қизиқарли мавзуларда ўз фикрларини билдиришди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг анжуман қатнашчилари билан ижодий учрашуви, айниқса, қизиқарли кечди.

— Халқимиз истеъдодларга бой, уларнинг биронтаси ҳам назардан четда қолмаслиги керак, — деди уюшма раиси Муҳаммад Али. — Муҳтарам Юртбошимиз Исроҳим Каримовнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" китобида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш, истеъдодларни топиш, тарбиялаш тамойиллари рўй-рост белгилаб берилганини кўрамиз.

Адабиёт соҳасида ёш истеъдодлар кўп. Уюшманинг "Истеъдод мактаби" Республика ёш ижодкорлар семинарини иқтидорли ёшларни рўйбга чиқариш борасида ўзига хос "чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм", деб бемалол айта оламиз. Йил давомида ўтказилган минтақавий семинарларда қатнашган 150 нафардан зиёд иштирокчилар ичидан синчиклаб, ҳолис саралаб олинган энг муносиб вакиллар бугунги якуний босқичда иштирок этмоқдалар.

Бугунги нотинч дунёдаги айрим мамлакатларда инсонлар учун тинч-осуда кун кечириш тобора мушкуллашиб бораётган бир вақтда бизнинг ёшлар бекаму кўст шароитларда, ижодий изланишлар оғушида эканлиги ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир. Буларнинг барчаси юртимиздаги осойишталик, муҳтарам Президентимизнинг ёшларга бераётган юксак эътибор ва меҳри шарофатидадир.

Ўтган йили ўтказган семинарларимиз натижасида ёшларимизнинг ўнга китоби чоп қилиниб, мамлакатдаги коллеж ва мактабларга бепул тарқатилди. Бу аниқ сифат жиҳатидан янада мукамаллашган ҳолда давом этади. Истиқболли ёшларимиз "Истеъдод мактаби"да ўқиб-ўрганиб, тоблиниб, келажакда адабиётимиз уммонига шарқироқ сойлар, тошқин дарёлар бўлиб қўйилади, деб умид қиламиз.

"Истеъдод мактаби" VI Республика анжуманининг ёпилиш маросими, айниқса, ҳаяжонли кечди. Ёш қаламкашларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг эсдалик совғалари ва китоблар топширилди.

Тадбир устозлар ва ёш ижодкорларнинг жўшқин мушоирасига уланди. Ватан, мустақиллик, муҳаббат мавзуларида янграган шеърлар ёш қаламкашлар келгусида етук ижодкор бўлиб етиштишларига умид ва ишонч уйғотди.



Кўнгиш мавжлари

ҚАЛБИМДА ФАХР УЙҒОНДИ

Тошкент шаҳрига биринчи марта келишим. Шаҳарнинг гўзаллиги, салобатли биноларни кўриб, шундай афсонавий мустақил юртининг фарзанди эканлигим билан фахрландим. Ёшларга яратиб берилаётган шароитлар, катта эътибор қаратилаётгани учун Юртбошимизга тенгдошларим номидан чин қалбдан миннатдорлик билдиргим келди.

Семинар доирасида Алишер Навоий номидаги Миллий боғга саёҳатимиз, шоир ва ёзувчилар билан ўтказилган ижодий сабоқлар ва учрашувлар бизда унутилмас таассурот қолдирди. Қолаверса, бутун мамлакатдан келган ижодкор тенгдошларимиз билан танишиб, кўплаб дўстлар орттирдим.

Энди Нукуста қайтган, бу ердан олган таассуротларимни қорақалпоқ дўстларим билан ўртоқлашаман. Уларга айтадиган гапларим кўп. Юртимга хизмат қилишим учун халқимиз маданиятини, адабиётини, тарихини ўрганиш борасида тинимсиз ўқиб-ўрганишим кераклигини англаб етдим. Мен бунга тайёрман.

Тарбия СЕЙТНАЗАРОВА,
Қорақалпоғистон.



УНУТИЛМАС ПАҲЗАНАР

Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", деган сўзлари биз, ёшларга шижоат бағишлайди.

Биз мана шундай билимли ва бахтли ёшлармиз. Ўзимизни намойиш этишимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Бу йил ушбу семинарнинг вилоятларда минтақавий босқичлари ўтказилгани ҳам қувончли бўлди. Шаҳрихон туманида семинарнинг минтақавий босқичи ўтказилганлиги, унда устоз шоирларимизнинг берган маслаҳатлари биз ёш ижодкорларга катта адабий мактаб вазифасини ўтади. Республика анжумани ҳам жуда катта таассуротларга бой бўлди.

Вазира МИРЗАЕВА,
Андижон.

ЮРАГИМДА ВАТАН ИШҚИ

"Истиқлол йилларидан олдин, шеъримизни кимгадир ўқитиш учун, ўқиб бериш учун ҳафталаб, балки ойлаб кутардик. Айрим ҳолларда бу амалга ҳам ошмас эди. Сизларга ҳавасим келадими!" — дейишди устозларимиз. Дарҳақиқат, бу семинарнинг ўтказилиши бизнинг бахтимиз эмасми! Дўрмонга келишимдан аввал Ватан ҳақидаги фикрларим тарқоқ эди. Англадимки, Ватан ҳар бир ижодкорнинг юрагига ўзига хос яшар экан.

Қумуш АБДУСАЛОМОВА,
Тошкент вилояти.

ДЕБОЧА

"Дўрмон" ижод уйидан бир олам таассуротлар билан қайтдим. Ўйлайманки, бу семинар ёш ижодкорларга куч, илҳом бахш этиб, келажакда элга нафи тега оладиган яхши ижодкор бўлиб етишимизга деб ҳисоблайман.

Шахло ХУСАНОВА,
Сирдарё.

ЖАРАЁН

Табиатда ҳикмат бор экан; ёмғир қор ёғишидан тортиб қуёш чиқишию майса унишигача. Демак, ҳар бир ҳаракат замирида ҳаётга ташналик ва буюк жараён намоён.

"Дўрмон" ижод уйида бўлиб ўтган семинар мен учун шундай жараён бўлди. Устозлар, дўстлар, энг муҳими, ижод қилаётган тенгдошларим билан суҳбатлашиш кишига роҳат бераркан. Анжумандан дилимга қўнган ҳайрат ва ҳаяжон ижод қилишга ундайди.

Санжар ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳри.

БУ БЎСТОН САҲНИДА...

Ҳар қандай боғнинг гуллаб-яшнаши учун боғбоннинг меҳнати, эътибори керак. Ўзбек адабиётини ҳам катта бир боғга қиёшлашди. Биз ёш ижодкорларнинг унб-ўсишимиз, камол топишимиз учун устоз адибларнинг эътибори жудаям зарур. Ўтказилаётган ёш ижодкорлар семинарида устозлар суҳбатидан баҳраманд бўлдик. Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган ижодкор дўстларимизнинг ижод намуналари билан яқиндан танишдик.

Ижодкорлар изланишда экан ўзбек адабиёти бўстони гуллаб-яшнаётганда. Нафиса ТОШТЕМИРОВА,
Навоий.

УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Бадиий публицистикага бўлган меҳрим кун сайин ортиб бормоқда. Бугун биз ёш ижодкорларга берилаётган имкониятларнинг қўламини кенг. Республика ижодкор ёшлар анжуманида иштирок этиш бахти насиб этганидан бахтиёрман. Устозларимиз ўзларининг бой билимларини биз билан ўртоқлашди, ижодий ишларимизга самимий фикрларини билдиришди. Анжуман давомида олган ўғитларимиз бутун ижод фаолиятимизда катта ўрин тутди. Устозларнинг ишончи бизга улкан масъулиятдир. Шунинг ўзи бахт.

Мухайё АШУРБОВА,
Сирдарё.

БИР УМР ЁДДА ҚОЛАДИ

Ҳаётимдаги энг гўзал лаҳзалар атоқли адибларимизнинг сеvimли масканига айланган Дўрмон ижод уйида ўтди, десам асло мулоҳаза бўлмайди.

Мен бу ерда сеvimли ёзувчи, шоирларимиз билан учрашдим. Уларнинг сермазмун суҳбатларини, қимматли ўғитларини бир умр ёдимда сақлашга аҳд қилдим.

Зухра АХМЕДОВА,
Тошкент вилояти.

МАЛАКСАН

Мен сени учратмадим,
Ҳаёт ўзи учратди.
Илк кўришда кўзларимга
Кенг дунёни кичратди.

Аёл зотин севамдм,
Тақдир ўзи суйдирди.
Бир лаҳзада кўксимни
Ишқ олови қуйдирди.

Гуллар узиб тутмагандим
Пойларига қизларнинг.
Няғоҳида сузмагандим
Менга боққан кўзларнинг.

Висол дея урмаганди
Бир лаҳзаюм юрагим.
Аммо бирдан чалғиб кетди
Ҳаёт деган эртагим.

Энди бу эрталда сен
Энг дилрабо малаксан.
Мендай ошқ қўллар
Ҳеч етмаган фалаксан.

Бироқ бир кун, албатта,
Оқ отда олиб қочгум.
Сени қучиб бағримга,
Самоларга мен учгум.



Мурод ТУҒЁН,
Наманган.

БУЛУТЛАР

Тонгла қора булутлар
Ҳайшар қувлашмачоқ.
Қалла солиб шеринг
Бурини қилар пачоқ.

Четдан боқиб тураркан,
Уларга деди қуёш:
— Бундай қалтис ўйнаманг,
Бўлманг бунчалар бебон.

Йиғласангиз, ёмғирга
Тўлиб кетар ҳамма ёқ.
Дехқонларни ранжитманг,
Ерни қилиб қатқалоқ.

Зулфира НҲҲОМОНОВА,
Андижон.

УЛҒАЙИШ ШЕЪРИ

Ҳар кишининг қилмиши феъл, ҳулқиға мос,
Ҳар нарсадан ибрат олиш инсонга хос,
Чунки кунлик бу ҳаётда кўркам либос
Кийилганда, кўл чўзилар енгга қараб.

Содик шогирд ишга тайёр домла учун,
Йўлбарсу шер шай турлади ҳамла учун,
Зўр бўларди, дунё бирдай ҳамма учун
Кенг бўлганда бирон кўнгли кенгга қараб.

Улғайганда куч олади ўз уйидан,
Баҳра олар жим таралар дил қуйидан,
Гўдакликдан унб-ўсган ўз уйидан
Ҳар қиз бир кун йўл олади тенгга қараб.

Мурғак бошим гоҳ урилиб гам тошига,
Мен ҳам, мана, етиб келдим ишқ ёшига,
Бобом каби секин олиб ёнбошига,
Дунё дегай: "Мен ўзгардим сенга қараб".

Толдим, дея чарх довондан ўтиб олай,
Дам олайин, ўзини бироқ тутиб олай,
Шеър тутайди, қучоқ очиб қутиб олай,
Толе қулиб келмоқдадир менга қараб.

Шахноза ХОЛМУРОВА,
Самарқанд.

ЮЗПАРИДАН НУР ТАРАЛАР

Юзларидан нур таралар
қарасалар,
Шодланади эл қорига ярасалар,
Йўқ деъмас ҳатто жонин сўрасалар,
Сурхонимнинг солдағина одамлари.

Таниса ҳам, танимаса қучадилар,
Меҳмон келса дастурхонин очадилар,
Унга қўшиб бор меҳрини сочадилар,
Сурхонимнинг солдағина одамлари.

Юрт эртаси учун белни боғлайдилар,
Ҳалол меҳнат билан кўнгли чоғлайдилар,
Қувонсалар, гўдаклайин йиғлайдилар,
Сурхонимнинг солдағина одамлари.

Оқ оралаб қолган қалин қошларидан,
Айланын шу нуруний ёшларидан,
Дўппилари тўшмайди ҳеч бошларидан,
Сурхонимнинг солдағина одамлари.

Чақалоқлар тўлиб кетсин уйларига,
Хизмат қилай ўзим бориб тўйларига,
Чопонлари бир ярашган бўйларига,
Сурхонимнинг солдағина одамлари.

Зилола ХУШБАҚТОВА,
Сурхондарё.

ПОЛАГУЛИМ

Полагулим, нега бунча ўй сурасан,
Сиринг айтмай бағрим ёқиб ўй сурасан,
Баҳор келди, ўйна десам, қулиб-қулиб,
Нега менга хомушгина термуласан?

Қучоғимга бир тўлдириб қучолсайдим,
Яноғингдан ўлиб-ўлиб тўёлсайдим,
Ёнгинангда парвонадек юриб-юриб,
Гўзаллигинг сирларини билолсайдим.

Гулзада УТЕМУРАТОВА,
Қорақалпоғистон.

ЎЎҚОЛГАН ҚАЛАМ

Бешинчи соат — чизмачилик. Мен расм чизишга қизиққанам учун бу дарсга жон-дилим билан қатнашаман. Бугун ҳам Содир ақанинг буюмларининг ўзига қараб чизиш ҳақидаги кўрсатмаларини диққат билан тингладим, стол устига қўйилган стаканининг расминини иштиёқ билан чиза бошладим, Содир ака синфдошларимнинг ишларини кузатаётгани меннинг олдимда анча тўхтаб қолди.

— Яхши, — деди менга қараб жилмайиб.
Мен хурсанд бўлдим. Ўқитувчимиз дарс сўнгига ҳар доимгидек бизга вазифа юкледи:

— Бир ҳафтадан сўнг сизлар билан яна учрашамиз. Китобингизнинг 73-бетига берилган икита чизмани чизиб келинглар, тушунарлими?

— Ҳа, — дея гуриллаб жавоб бердик.
— Назорат ишидаги қоникарсиз баҳоларни ана шу чизмалар қўшимча бал сифатида тўлдиради, — деди Содир ака менга кўз қирини ташлаб. Бу қараш билан у менга: "Зулхумор Шакарбой қизи, сен ҳам вазифаларни яхши бажармагандан, баҳойинг паст!", дегандек бўлди.

Орадан олти кун ўтди, эртага чизмачилик дарси бор. Берилган вазифани бажариш керак. Кечки пайт ишга киришдим. Чизмачиликдан ташқари олти фан бўйича вазифаларни бажардим. Энди фақат чизма чизсам, бўлди. Аммо у осонмас! Бунини шошмасдан, анча илгари уйдалаб қўйсам ҳам бўларди, аммо ҳали вақт бор-ку, дея пайсалга солдим. Мана, энди вақт оз қолди, улгур алаҳмикамман! Албатта, улгуришми керак! Шошилиб стол устига қалам, циркул, чизгич, чизма қозғони ва ўчиргични қўйдим.

Ўзгача шижоат билан чиза бошладим. Ўйлаб қарасам, шу вақтгача ҳали ҳеч қайси вазифани бундай гайрат билан бажармаган эканман. Вақт қандай ўтганини ҳам сезмадим. Соат бирдан ўтибди. Чизма ҳам деярли тайёр. Стол устини йиғиштирдим. Чунки эрталаб чала қолганини тўлдиришим керак эди-да. Хуллас, уйкудан туриб ишга киришдим. Шу пайт ошхонадан аямнинг:

— Зулхумор, менга сув олиб кел, — дегани эшитилди.

Аям айтганларини бажариб, хонамга кирсам, стол устида менга керакли қалам йўқлигини пайқадим. Изламаган жойим қолмади. Ҳар доимги-

дек асабийлашиб, жаҳлим чиқа бошлади. Деразадан:

— Ая, боя сув олиб борганимда қўлимда қалам бормиди? — деб сўрадим.

— Қўлингга ҳеч нарса йўқ эди, Ҳа, тинчликми?

— Шунчаки, қаламимни топа олмаяпман, — дедим паршонлик билан.

Яхшиямки чизма чизишдан олдин сочинини таркиб, мактаб формамни кийган эканман. Бўлмаса, мактабга кечикиб боришим аниқ эди. Бор-йўғи йигирма дақиқа вақт қолди. Тобора асабийлаша бошладим

— Қизим, нонуштага чиқ, даданг икковимиз сени кутаямиз.

— Мен тўқман, — дедим зарда билан.

— Бу нима деганинг?! Ҳали ҳеч нарса еганинг йўқ-ку?

— Бўлди, ая, чиқмайман, дедим-ку.

Аям ҳам қалам топилаётганидан эски одадим бошланганини сезди шекилли, индамади. Яна бир маротаба хонамни қидириб қидим, қаламим ҳеч қаерда йўқ. Жаҳлим қиканидан чизмани гижимлаб,

деворга отдим. Зўр иштиёқ билан чизган чизмам гижимланган ҳолда ерда ётарди!

Ҳар доимгидек афсуслана бошладим ва чизмани яхши чизадиган синфдошим Нурбекка катта танаффус пайтида чизиб беришини илтимос қилмоқчи бўлдим. Дарвозадан дугонаам Замиранинг овози эшитилди.

— Зулхумор!

— Ҳозир чиқаман!

Остонадан ёмон кайфият билан ўтдим.

— Ая, дада, мен кетдим.

— Ул-бул еб олмайсанми?

— Йўқ.

— Яхши бориб кел, қизим.

— Дугонам билан қўришдим.

— Мактабга шундай бормоқчимисан?

— Ҳа, нима қилибди?

— Эрталабгача чизма чизиб қикдингми дейман-а?

— Нимага ўзингдан-ўзинг бундай деппсан?

— Чизмани бошлаб чизибсан, билдик. Балки қулоғинг орқасидаги қаламни олиб қўйсанг?..

Лазиза ШАВКАТОВА,
Жиззах.



Шингил ҳикоя

деворга отдим. Зўр иштиёқ билан чизган чизмам гижимланган ҳолда ерда ётарди!

Ҳар доимгидек афсуслана бошладим ва чизмани яхши чизадиган синфдошим Нурбекка катта танаффус пайтида чизиб беришини илтимос қилмоқчи бўлдим. Дарвозадан дугонаам Замиранинг овози эшитилди.

— Зулхумор!

— Ҳозир чиқаман!

Остонадан ёмон кайфият билан ўтдим.

— Ая, дада, мен кетдим.

— Ул-бул еб олмайсанми?

— Йўқ.

— Яхши бориб кел, қизим.

— Дугонам билан қўришдим.

— Мактабга шундай бормоқчимисан?

— Ҳа, нима қилибди?

— Эрталабгача чизма чизиб қикдингми дейман-а?

— Нимага ўзингдан-ўзинг бундай деппсан?

— Чизмани бошлаб чизибсан, билдик. Балки қулоғинг орқасидаги қаламни олиб қўйсанг?..

Махтумқули ўзбек халқининг ўз шоирига айланиб кетган: унинг маънавий-ахлоқий мавзудаги теран панд-насихатга йўғрилган шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ. Шеърлари ўзининг халқчил руҳи туфайли асрлар давомида бахшилар, халфалар ва ҳофизлар томонидан қўйлаиб, шоирларга илҳом бағишлаб, адабий давралар ва шеърят кечалари, ўзбекнинг тўй-тантаналарида ўқилиб келган.

Ҳозиргача фанда Махтумқулининг 1733 йили туғилиб, 1791 йили вафот этгани ҳақидаги маълумот қатъийлашган эди. Лекин туркман олимларининг кейинги изланишлари натижасида улўғ шоирнинг таржimai холи, ижодий фаолияти ва адабий мероси билан боғлиқ қўллаб-қўллаш нукталарга оидинлик киритилмоқда, янги таълиқлар ва қарашлар илгари суришмоқда. Жумладан, унинг таваллуд ва вафот саналари қайтадан қўриб чиқилиб, туғилган йили 9 йил олдинга, вафот этган йили эса 16 йил кейинга сурилди. Демак, Махтумқули 1724 йили туғилиб, 1807 йили вафот этган, шунга мувофиқ 58 йил эмас, балки 84 йил яшаган бўлиб чиқади.

Атрек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан қишлоғида дунёга келган шоир бадий сўзи юксак қадрларига маърифатли оилада воғна этган. Отаси Давлатмамат Хива мадрасаларида тахсил олган ўз даврининг ўқимишли кишии бўлиб, овулда болаларга сабоқ бериш билан бирга, Озодий тахаллусида қўшиқ ва газаллар битган. Унинг қарийб 6 минг мисрадан иборат панд-насихат мазмунидagi «Озод ваъзи» номли достони сақланиб қолган. Давлатмаматнинг оиласида «бир неча ўғил-қиз воғна этган бўлса-да, шоир шеърларида ўғиллардан Абдулла ва Маматсафо, қизлардан эса ёлғиз Зубайданнинг исмлари-га дуч келамиз», деб ёзади таниқли туркман олими Аннагурбан Аширов.

Туркман халқи тарихининг энг нотинч ва оғир даврида яшаб ўтган Махтумқули оилавий ҳаётда ҳам ҳаловат топмади. Акалари Абдулла ва Маматсафо душманлар томонидан шафқатсиз ўлдирилди. Бу айрилик алами шоирнинг «Човдурхон», «Абдулла», «Булар келмади» каби шеърларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. «Ўзал Шерғози» шеърисида ёзилишича, у Хивада тахсил олаётганда бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган. Катта хонадоннинг бутун оғирлиги Махтумқули елкасига тушади. У мударрислик қилиш, ота-бобосидан мерос ёначилик (тўқимдўзлик) касбини даровс элтириш билан бирга, темирчилик ва заргарлик ҳунарларини ҳам эгаллайди. Махтумқулишунисом олим А.Аширов келтирган янги маълумотларга қўра, Менглихон — Махтумқулининг биринчи мухаббати эмас. У ўзининг кўнгли қўйган қизига уйланган. Лекин икки ёшининг бахтли турмуши узокқа чўзилмаган. Йигирма ёшида севгилисини тулроққа топширган шоир кейинчалик Менглихонни учратиб, уни ҳассос мухаббат билан севиб қолади. Афсуски, уларга бирга бўлиш насиб этмади. Шундан сўнг шоир қолган умрини бадий ижодга бағишлайди. Менглихонга атаб қўллаб шеърлар ёзиб,

унга ўзига хос назмий ҳайкал қўяди.

Махтумқули шоирнинг исми бўлиб, тахаллуси эса Фирогийдир. Қўнчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, ўзига Фирогий тахаллусини танлашига бошига тушган жудалиқлар сабаб бўлган. Лекин биз буни фақат шу мазмунда тушунасак, унинг маъно доирасини торайтириб қўямиз. Назаримизда, дунёни фоний, деб билган шоир учун бу олам-

«МАХТУМҚУЛИ АЙТАР СЎЗНИНГ САРАСИН»

Теран томирлар

даги йўқотишлар эмас, балки Ҳакдан жудалиқ чинакам фироқ эди. Бинобарин, бу тахаллуснинг тасаввуфий маъноси ҳам борки, у аслида икки оламнинг соҳиби бўлган илоҳий махбуба висолидан жудалиқни тамсил этади. Шоирнинг тасаввуфий мазмундаги «Ичмайин жомим» шеърисида илоҳий ишқ майдан маст бўлиб, ҳушини йўқотгани, Ҳақ васлига кўнгли ташнаю кўзи интизорлиги, бинобарин, токи боқий дейдордан жудо экан, «Фирогий деб атанг бундан сўнг номим», деб ёзгани бежиз эмас. У қатор тариқат пирлари тарбиясини олган, уларнинг суҳбатидан бўлган. Шеърларида илк пири тасавуф ахлини дўст тутган отаси Давлатмамат экани айтилади. У кубравия тариқати шайхлари билан ҳам, хожалар-нақшбандия силсиласи пирлари билан ҳам суҳбатлар қурган. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Пахлаван Маҳмуд, Амир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд сингари ўтиб кетган шайхлар билан ҳам маънавий иртиботи бўлган. Адабиётшунос А.Аширов Бухородаги Қўқалдош мадрасасида тахсил олган, Баҳовуддин Нақшбандга бағишлаб шеърлар ёзганига, албатта, ижодининг умумий руҳига асосланиб, унинг нақшбандия тариқатига эътиқод қўйганини таъкидлайди. Зотан, Махтумқули ўзининг шоирлик илҳомини ҳам буюк авлиби билан боғлайди:

Бир кеча ётардим, шох Нақшбандий
Лутфи эҳсон айлаб бир нон келтирди.

Бизгача Махтумқулининг 700 дан зиёд шеърлари ва «Қуруқ калла», «Махшарнома», «Ваъз», «Қўқина каптар», «Қора ер», «Забуржон», «Марв — шоҳи жаҳон», «Жуҳут ўғлон» каби ўнга яқин кичик ҳажмдаги достонлари етиб келган. Уларнинг бир қисми қўлёмаларда сақланиб қолган бўлса, бир қисми халқ оғзидан ёзиб олинган.

Лекин бу ҳам яқуний хулоса эмас, унинг қўллаб шеърлари ва уларнинг турли вари-

антлари топилиши шубҳасиз. Чунки узок умр кўрган ва илҳоми жўш урганда бадиха тарзида ҳам шеърлар тўқиб кетаверган шоирнинг адабий мероси бой бўлгани табиий. Уларнинг бир қисми давр талотўпларида йўқолган.

Ёзган китобларим селга олдириб,
Ортидан қўзларим гирён айлади —

каби аламли мисралари шундан гувоҳлик беради.

Албатта, Махтумқули ижоди қўллаб-қўллаб чашмалардан сув ичган: шоир ижодида илҳомий мавзуларни ҳам, халқона оҳанглари ҳам, мумтоз Шарқ адабиёти таъсирини ҳам қўра-мизки, улар ўзаро уйғуллашиб Махтумқули асарларининг юксак бадийяти, таъсирчанли-

ги ва умрбоқийлигини таъминлаган.

Панд-насихат — Махтумқули ижодининг етакчи мазмун-моҳиятини ташкил этади. Адабий меросининг салмоқли қисми ҳам айнан панд-насихат мавзусидаги асарлардан иборатки, шу туфайли ҳам у дидактик шоир сифатида машҳур. Хусусан, «Ёққанча бўлмас», «Фош этар сени», «Кўринг», «Мурувват яхши», «Йирок айла ўзингни», «Сўзи ўтар жонингдан», «Суҳбат яхшидир», «Ёр айлар», «Қадрин на билсан?», «Сўзига етмас», «Бош тикар», «Тушига етмас», «Муҳтож айлама», «Елдим де», «Айрилса» каби ўнлаб шаклан гўзал, мазмунан теран шеърлари

МАХТУМҚУЛИ

Ёр айлар

Ақлинг бўлса, яхшиларга ҳамдам бўл,
Аҳмоқ ўзин нодон билан ёр айлар.
Чин ошпақлар нозли ёринг жамолин
Бир кўрсам деб, кеча-кундуз зор айлар.

Қанча сирим бўлса, айтарман марда,
Карвон ета билмас яланглик ерда,
Улуғ номусларда ярамас дарда,
Номард уйда осон ишдан ор айлар.

Номарднинг дастидан қолибман дарда,
Кўнглим тинчтин топмас бир пинҳон ерда,
Моли кўп деб, меҳмон бўлма номарда,
Мард камбағал бўлса ҳамки, бор айлар.

Номард ўз уйида марда сўз айтар,
Ҳақ унга қор эмас, танобин тортар,
Мард йиғит мол топса, ҳиммати ортар,
Номард топган сайини кўнглин тор айлар.

Махтумқули, энди ўзингни қузат,
Савобинг қўпайтир, ёмонинг тузат,
Маъракада оз сўзлашни қил одат,
Кўп сўз сени эл ичиди хор айлар.



Шарқ панднома адабиётининг дурдоналари қаторидан ўрин олган.

Махтумқули шеърларида халқона фалсафа кучли, панд-насихат етакчи — у кўрган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидан хулосалар чиқаради. Бу фикрларнинг ҳикмат каби жаранглаши шундан.

Буюк сўз санъаткори таваллудининг 290 йиллиги муносабати билан Хивада ўтказилган тантаналарда иштирок этган таниқли туркман олими, профессор Аннагурбан Аширов Махтумқули номи ва асарларининг ўзбекистонда нақадар машҳурлиги, халқимизнинг унга қизгин мухаббати ва бекиёс эътиромини қўриб: «Махтумқули нафақат туркманларнинг, балки ўзбекларнинг ҳам — икки халқнинг шоири экан», деб лутф этгани бежиз эмас.

Қуйида Махтумқули шеъриятидан амалга оширилган янги таржамаларимиздан намуналар билан танишасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ЁҚҚАНЧА БЎЛМАС

Ҳар нокасга айтма дарлу сўзингни,
Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас.
Гусса билан дон-дона қўзингдан
Надомат ёшини тўққанча бўлмас.

Қаноат қил, иззатда тут ўзингни,
Тама билан сарғайтирма юзингни,
Ҳар номарда ҳайф айлама сўзингни,
Сўзингнинг биносини йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб юрма умринг гулига,
Совриларсан бир кун ҳазон елига,
Юз йил ашаб, тушсанг ажал қўлига,
Ўнгингдан чапинга боққанча бўлмас.

Сулаймондан ортиқ бўлса шавкатинг,
Фалақини титроққа олса ҳайбатинг,
Кўксингда жўш урса кучинг, ғайратинг,
Ажал ногорасин қоққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юрак ундан турли-туман касофат,
Қўмирга ҳар қанча айласанг иззат
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули сира топмади омон,
Ёмон тил қиличдан, болтадан ёмон,
Ёмон тил олдида заҳарли илон —
Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.

Таржима — юксак санъат

сон қиёфаси тасвири кўпроқ учраса, "Ижодий парвоз"да инсоннинг феъл-атвори, жамиятдаги мавқеи батафсил тасвирлаб берилган. "Ижодий парвоз"да-

ги Форестер хоним эрининг ошпаз аёл билан кетиб қолиши оқибатида бутун умр ўзининг фикру хаёлини банд этган, сотилиши қийин бўлса-да, бадий қиммати юқори асарлар ёзиш истагидан воз кечади. Эрида детектив асарларга ҳис қиёфаси тасвири кўпроқ учраса, "Ижодий парвоз"да инсоннинг феъл-атвори, жамиятдаги мавқеи батафсил тасвирлаб берилган. "Ижодий парвоз"да-

Худди шунингдек, "Малла" ҳикоясидаги швед Нейлсон ҳам бутун умр ўзига гойибона рақиб бўлиб келган, Саллининг собиқ севгилиси Малланнинг умри ниятсизиди афтодаҳол қиёфасига қараб, бир пайтлар қўзига оловдек кўринган хотини бир зумда беўхшов кўриниб кетади: «Салли ҳам қартайиб қолганди. Семиз, қари тубжойлик аёл. Нейлсон энди бир пайтлар нега уни тел-баларча севганини тушунолмасди... Ҳозир Саллига қараб Нейлсон кўнглида нафратдан бўлак ҳеч нарсани ҳис қилмасди». Аслида Нейлсоннинг қалбини ўртаган ҳис Саллига бўлган ишқ эмас, балки унинг ўй-хаёлларини мудо банд этган хушсурат Малла билан гойибона жангга киришиб, Саллини

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

ЁЗУВЧИ ЁЗИШИ КЕРАК

Гарчи нутқ ирод қилишга уста, гапга чечан ва нотиклик санъатида моҳир бўлмасам-да, Алфред Нобелнинг инъомини бошқараётган инсонларга менга берилган бу мукофот учун ташаккуримни изҳор этишни истаётман.

Ўтмишда бу мукофотни қанча улўғ адиблар олишмаганини яхши биладиган ҳар қайси ёзувчи уни камтарлик туйғуси билан қабул қилади. Ўша улўғ адибларнинг номларини бу ерда келтириб ўтиришга ҳожат йўқ, зеро, даврада иштирок этаётганларнинг ҳар бири билимини ишга солиб, виждон амри билан ўзининг рўйхатини тузиши мумкин.

Мен ёзувчи ўз юрагидида неки бор бўлса барисини тўқиб-соладиган нутқни ўқиб беришини ватаним элчисидан сўраш имконига эгаман, деб ўйламайман. Ёзувчининг нимадир ҳақида ёзгани бир ўқишда илғаб олинishi қийин фикрлар бўлиши мумкинки, гоҳида ижодкорга бу қўл келади; бироқ эртами, кечми ана шу фикрлар мутлақо аниқ-тиниқ тушунилади ва ёзувчининг номи асрлар бўйи ўчмаслиги айнан шу фикрларга, шунингдек, унинг истеъдоди даражасига боғлиқ бўлади.

Ижодкорнинг ҳаёти, у шухрат чўққисига пайти, ёлғизликда кечади. Ёзувчилар ташкилотлари унинг ёлғизлигини сездирмаслиги мумкин, аммо ижодий меҳнатининг сифатини оширишга ёрдам бериши дарғмон. Эҳтимол, ёлғизликдан қутулиш илнжиди у фаол жамоатчиға айланар, бу эса унинг ижодиға наф келтирмайди. Чунки у ўзи ёлғиз ижод қилади, агар яхши ижодкор бўлса, унинг иши — мудоом абадиётни назаридан қочирмай ёзишдан иборат.

Чинакам ёзувчи учун ҳар бир китоби мисоли ижоднинг бошланишидек, қўл етмас нарсига эришиш учун интилишга уринишдек бўлиши керак. У ҳали ҳеч ким амалга оширолмаган ёки ўзигача амалга оширишга уринишган, бироқ урдалай олишмаган ишга жидду жаҳд билан киришмоғи лозим. Ўшанда, агар омад кулиб бокса, у муваффақият қозониши мумкин.

Албатта, агар улўғ адиблар ёзган ва боз устига жуда яхши ёзишган нарсалар ҳақида фақатгина янғича ёзиш талаб этилса эди, адабиёт яратиш жуда осон бўларди. Айнан шунинг учун ҳам, яъни ўтмишда шундай буюк адиблар яшаб ижод қилишгани боис, замонавий ижодкор узокроқ кетиши, имконидан ортиқ даражада, биров ёрдам беролмайдиган манзилга интилишга мажбур.

Мана, қўриб турибсизлар, мен жуда кўп гапириб юбордим. Ёзувчи одамларга айтадиган неки гапи бор, уларни гапириб ўтирмаслиги, балки ёзиши лозим. Яна бир бор ташаккур.

Америкалик атоқли адиб Эрнест Хемингуэйнинг асарлари ўзбек китобхоналарининг ҳам севиб ўқийдиган китобларига айланган. Чунончи, ёзувчининг "Чол ва денгиз" кассаси, "Алвидо, қурол" романи она тилимизда бир неча бор чоп этилган.

Сиз юқорида ўқиган маърузани Э.Хемингуэй Нобел мукофоти тақдимида эитилган — 1954 йили Стокгольмда ирод қилган.

Бадий таржима янги босқичга қўтарилаётган айни пайтда замонавий ўзбек таржимачилиги соҳасига ёшларнинг кириб келаётгани қувонарли ҳол. Ёш таржимон деганда айнан унинг ёши эмас, балки таржимачилика қачон кириб келгани назарда тутилади. Шу маънода моҳир таржимон И.Гафуров шоирни ёш дейиш мумкин, аммо таржимонни ёш деб бўлмайди, модомики таржимон бадий таржимани амалга оширар экан, у профессионализмга даъвогарлик қилган бўлади, дея тўғри таъкидлайди.

"Академнаш" наشريётида чоп этилган атоқли инглиз адиби Сомерсет Моэм ҳикояларининг инглиз тилидан бевосита таржималари жамланган "Ёмғир" номли тўплам умидли ёш таржимон Алишер Отабоев ижодиға мансуб. Дастлаб турли тўплам, газета ва журналларда босилган Алишернинг таржималарини кузатиб, йилдан-йилга ёш мутаржим тилининг қарчилиб, икки тилининг лексик-семантик ва грамматик тафовутларини енгишда маҳорати ошиб бораётганига гувоҳ бўлгандим. Мазкур китобдаги таржима ҳикояларини унинг профессионал таржимон сифатидаги илк дебюти, деб бемалол айтиш мумкин. Ўзбек тилида бадий матннинг бундай қайта яратилиши таржимоннинг она тилида равон нутққа эгаллигидан, сўз ва жумлаларни сайқаллаш маҳорати юқори эканлигидан дарак беради.

Тўпламдаги "Ёмғир" ҳикоясида воқеалар Жанубий Америкадаги Самоса оролида содир бўлади. Воқеалар шиддат билан ёғаётган ёмғирга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боради. Ўқиш жараёнида гўё ёмғир товушини эшитиб, рутубатли ҳаво босимини ҳис этасиз. Таржима шу даражада ўқишли ва аниқ чиққанки, мутлолаа чоғида асарни таржима эмас, балки аслият матнидек қабул қилади киши. Масалан, оролдаги маҳаллий аҳолининг лава-лава (бўксасига боғлангандаги либос(юбка-си))га қараб миссис Давидсон дейди: "It is very indecent costume" said Mrs. Davidson. Mr. Davidson thinks it should be prohibited by law. How can you expect people to be moral when they wear nothing but a strip of red cotton round their loins?". А.Отабоев таржимаси: " — Бу

уятсизларнинг кийимига қаранг, — деди миссис Давидсон. — Мистер Давидсон бунини қонун билан таъқиқлаш керак, деб ҳисоблайди. Белига бир парча қизил латта боғлаб олган одамни ахлоққа ўргатиб бўладими?" Ушбу гапнинг аслиятдан сўзма-сўз таржимаси шундай: "Бу ўта вульгар кийим", — деди миссис Давидсон". Таржимада эса: "Бу уятсизларнинг кийимига қаранг", деб берилгани миссионернинг хотини, эътиқодли аёлнинг эмоционал ҳолатини аслиятдан қўра жонлироқ ифодалаган. Сўзма-сўз ўтирганда: "Қандай қилиб ҳеч нарсаси киймай белига қизил пахталик тасма боғлаб юрган кишини ахлоққа ўргатиш мумкин" деган кейинги гап "Белига бир парча қизил латта боғлаб олган одамни ахлоққа ўргатиб бўладими?" дея таржима қилингани ўзбек тилида ниҳоятда таъсирли чиққан.

Мазкур таржима асар китобхон сифатида ҳам, инглиз тили мутахассиси сифатида ҳам менга жуда маъқул бўлди. Албатта, ушбу асар таржимасида мутаржим бир қатор кийинчиликларга дуч келгани шубҳасиз. Бугунги кунда бадий асарни бевосита таржима қилишдаги муаммолардан бири пейзаж ва портрет тасвирига оид икки тили луғатларининг йўқлигидир. Китобхон бадий тасвиринг ўз миллиятигагина хос бўлган рамзий образ ва тушунарларни тез аңглаб олади, бироқ бундай маъно ва ишораларни ифодалаган иборалар таржима жараёнида йўқолиб қолади. Бу йўқотишни эса таржимон тўлдириши мақсадга мувофиқдир. "Ёмғир" ҳикоясидаги қуйидаги парчанинг аслият ва сўзма-сўз таржимасига эътибор қаратайлик:

"When he sat down under the light and took off his hat you saw that he had very red hair, with bald patch on the crown, and the red, freckled skin which accompanies red hair; he was a man of forty, thin, with pinched face, precise and rather pedantic; and he spoke with a Scots in a very low, quite voice". Сўзма сўз таржимаси: "У чироқ остида шляпасини ечиб ўтирганида, унинг тепакал бошида қип-қизил сочлари ва шу қизил сочига мос тушган сепкилли терисини кўрасиз; у қирқ ёшлардаги ўта озгин киши бўлиб, жуда тартибли ва бироз

педантик (бирор ишда ипидан-игнаси-гача аниқлиқни хуш кўрувчи ва бу феъл билан баъзан кишиларнинг асабини кўзгабоядиган) одам эди; у шотландчада жуда паст, мулоийм овозда гапирарди". А.Отабоев таржимасида ушбу парча қуйидагича: "Фонус ёнига ўтириб шляпасини ечган докторнинг тепакал бошидаги малла сочлари сепкилли сариқ юзига жуда мос тушганди. Ёши қирқ-ларча борган, юзи кафтедеккина бо одам жуда тартибли ва бир оз жижзак эди. Доим паст овозда шотландча шевада гапирарди".

Ушбу парчада эътиборга молик икки

факт мавжуд: биринчиси, доктор Макфэйл сочинининг ранги, иккинчиси қаҳрамоннинг педантик феъли. Психологларнинг таъкидлашича, қизил сочли эркеклардан илгара мо-йиллик кучли бўлarkan, уларга ўта мучибан, мулоийм феъл-автор хос экан. Умуман, Европада соч ранги кишининг феъл-авторидан далолат берувчи муҳим белги ҳисобланади. Яъни агар ёзувчи асари қаҳрамони малла соч хоним (блондинка) эканини айтиб ўтса, бу "ўз гўзаллигига маҳлиё ва фаросати ўзига яраша аёл", деган жумлани тежаш учун етарли тасвир саналади. С.Моэм ҳам Макфэйл сочининг рангини таъкидлаш орқали унинг тартибли, ўз ишини пухта биладиган зийли эканлигига ишора қилган ва бироз "педантик" феъли эди, дея инглиз китобхони учун қаҳрамон феъл-авторини тўлиқроқ ифодалашга эришган. Аммо таржимада қаҳрамон сочининг ранги қизил эмас, малла деб тасвирланмоқда. Таржимон малла эмас, қизил сочли киши, деб келтирганида муаллиф мақсади ойдинлашмас, қай-танга таржима бироз ўқилсиз чиқарди. Чунки бизда сочи бу хил рангдаги ки-



Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир

Эмфир



Соғинч ҳиссини сўз билан таърифлаш жуда мушкул. Хотира китобининг ҳар сафар ҳаёлан варақлаганимда, узоқ уйга чўмам, театрда ўтган йилларимнинг азиз лаҳзаларини соғинаман... Назаримда, инсонда фақат яхши хотиралар қолар экан. Балки бу одамнинг ўзига, савиясига ҳам боғлиқдир. Ахир, беш бармоқ баробар эмас. Масалан, мен ҳеч қачон қалбимда кек сақлаган эмасман. Доим яхши лаҳзаларни эслаб қолишга уринаман. Чунки улар менга куч бағишлаб туради.

ҲАЁТ ВА СОҒИНЧ

Театр ҳам бир оила. Биринчи уйим оилам бўлса, иккинчиси — театр! Ахир, актёрларнинг ярим ҳаёти театрда ўтади-да. Театр мени сабрли, иродали қилиб тарбиялади. Саҳна фақат унга чидаш берганларни севади. Ҳамма актёрлар ҳам саҳнада ўзларини топишга эришолмайдилар. Бунга кўп йиллар керак бўлади. Охири-оқибат, театр ўз бағрида санокчиларни олиб қолади.

Ўзимни энг бахтли санъаткорлардан, деб биларман. Инсон ҳаётда нимагаки эришиши мумкин бўлса, мен унинг кўп қисмига эришдим. Иқдорий фаолиятим давомида турли тоифадаги қаҳрамонлар қисматини яшадим. Бугун "Кирол Лир" да Регинани ўйнасам, эртасига умуман бошқа характерли, японалар ҳаётининг олинган "Ғайриланган умр" да Кейни, ундан сўнг "Ганг" дарёсининг қизини да-Хем-нолинини талқин этганим. Ёки "Шохи сўзана", "Холисхон", "Нодирабегим" даги образларини олайлик. Ҳаммаси турли дунё... Шу ўринда айтмоқчиманки, актёрларни мумтоз асарлар тоблайди. Мен театрнинг учинчи авлод вақилисиман. Хусусан, бизнинг авлод ютуғи мумтоз асарлар руҳида тарбияланганлигида, деб биларман. Ўзбек драматургияси учун театримиз

лаборатория вазифасини ўтаган.

Институтда ўқиганимда, курсда аввал ўн еттига бўлсак, бора-бора ўн битта талаба қолгандик. Шулардан олти-еттитамиз театрда ишга келганимиз. Лекин ўн тўрт ёшдан бери саҳнадаман. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳоаларим Тамираҳоним, Га-вархоним Раҳимова ва аям Лизахоним Петросова бошчилигида ансамбл тузилганди. Менга қарайдиган одам йўқлиги учун ўзлари билан олиб кетишарди. Ансамблнинг энг кичик ихроҷчиси эдим. Уруш тугагач, Гавх-

жуда катта рол ўйнардик. Айниқса, актёр ҳаётида. Янги бир китоб нашр қилинадиган бўлса, оиламиз билан бирга ўқирдик. Ички маданият, дид бизда шу тарихи шакллантирилди. Шунинг учун ҳаётини санъатга бағишлаган, дунёқараши кенг жигаргўшларимдан бир умр миннатдорман. Улар ҳаётда ўрнини топишимда жуда катта ғамхўрлик қилишган, тўғри йўл кўрсатишган.

Игна билан қудўқ қазийшдек жара-

ринг, у қучли аёл", деб таъкидларди. Бу туйғу ўзимга ҳам бегона эмасди. Керакли шаклни шу сўхбатлар асосида топдим. Яъни, образ магзини инсоний иродада кўрдим. Лекин ҳамма томошабинлар ҳам актёрнинг бундай топишлари аҳамият беравермайдилар. Иродали инсонлар чиндан ҳам илдири бақувват даракларга ўхшайди. Аслида, ҳаёт ва дунё таъшишлари ва синовлари одамлардан дараклар сингари тик қомат бўлишни, қучли сабр-иродани талаб қилади.

Умр ибрати

Ҳар субҳидам кўзимни очганимда, шундай тинч ва осойишта кунларда яшаётганимизга шукроналар айтаман. Истиклолимиз берган бу шукўхли кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... Академик театрининг бугунги нурафшон кунларга етиб келишида, мамлакатда ўз макомига эга бўлишида марҳум ҳамкасбларимнинг ҳам катта хизматлари бор. Бошдан кечирган азиз йилларимнинг тирик гувоҳлари эди улар, ҳамфикр, ҳамдардларим қалбимнинг бир бўлаги эди. Рихсавой Авазов, Жамшид Зокиров, Зикир Мухаммаджоновларни эслаганда, юракларинг ачишади, улар билан саҳнада ўтган жўшқин ҳаётни соғинасан, киши. Театрнинг 100 йиллик тўйида қатнашишга муносиб актёрларнинг анчагина қисми ораимизда йўқ. Мана шуларни ўйлаб, гоҳида афсус чекам.

Соғинч ва яхшилик ўртасида муштараклик қурарман. Ҳаётимда кўп яхшиликлар гувоҳи бўлсанг, яхшиларга йўлдош бўлсанг, қалбинг покланаверади. Пок қалбда соғинч кўртак ёзади. Бу йил театр мени бағрига олганига олти йил бўлади. Шукри, орта қараганда, соғинадиган азиз лаҳзаларим бисёр...

Лобар ҚОБИЛОВА
ёзиб олди

ФИДОЙИ САНЪАТШУНОС

Миллий музика меросимиз — қолғу ва айтим йўлларини, дostonу мақомларни улкан уммонга қийслаш мумкин. Ана шу улкан мерос ўзбек миллий музикасининг асосий пойдеворидир. Юнус Ражабий, Илос Акбаров, Виктор Успенский, Елена Романовскаялар асос солган музика фольклоршунослигининг Марказий Осиёда етакчи илмий мактаблардан бири сифатида танилиши ва ривожланишида фидойи олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Файзулла Кароматовнинг хизматлари катта.

Олимнинг музикаий-этнографик, илмий-тадқиқот, педагогик, жамоатчилик фаолияти нафақат юртимизда, чет элларда ҳам катта эътибор қозонган. Умрининг охиригача кўплаб халқаро ташиқлотларда фаол қатнашгани бунинг ёрқин далилидир. Устоз бундай эътирофга ўз-ўзидан сазовор бўлгани йўқ. Асрлар оша келаятган, бой маданий меросимизга айланган анъанавий миллий музика намуналарини тўплаш, нашр этириши, илмий тадқиқ қилиш каби мураккаб, аммо шарофатли вазифани Файзулла ака ўзининг кундалик оддий юмуши, деб биларди. Олти йилдан ортиқ шу соҳа билан шуғулланиб, кўплаб илмий рисо-лалар, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратди. Аспирантлик давридаёқ ўзбек фольклор санъатида оид материалларни тўплаб, тарихий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, "Ўзбек халқ кўшиқлари" мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Докторлик ишида эса музикашуносликда илк бор асрлар давомида янграб келаятган қолғулар ва қолғу музикаси тарихи, уларнинг таркиби, вазифалари ҳамда ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўрни белгиланиб, қолғуларнинг асосий гуруҳлари аниқлангани илмий янгиллик сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Файзулла Кароматов ўзбек музика меросининг жанрлар таркиби, ҳозирги ҳолати, анъанавий музика ижодкорлари ва ижрочилари, амалий ва ноамалий фольклор шакли ва жанрларининг бадияти, музикаий-поэтик табиати, ижрочилик хусусиятларига доир аҳамиятга молик илмий тадқиқотлар олиб борган олимдир. Унинг бошчилигида мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида ўтказилган фольклор экспедициялари давомида низоҳатда бой манба тўпланди. Тўпланган янги материаллар асосида заҳматкаш олим ўзбек музикасида турли йўналишлар мавжудлигини аниқлаб, тўрт хил маҳаллий услуб хусусида муфассал маълумот бергани Ўзбекистон музикашунослигида жиддий янгиллик бўлди. Эътиборлиси, сафар вақтида фақат ўзбек музика мероси намуналари эмас, балки юртимизнинг баъзи худудларига хос халқ томоша ва амалий

санъати, ракс ва бадий хўнарамандлик бўйича ҳам материаллар йиғилди. Мазкур экспедициялар меҳнат ва маросим айтимлари ҳамда кўшиқларининг қадимги қатламларини аниқлашга ёрдам берди. Йиғилган материаллар асосида чоп этилган "Ўзбек дўмбира музикаси", "Ўзбек халқ кўшиқлари", "Ўзбек қолғу музикаси", "Ўзбек халқ музикаси" (1,2-китоблар) каби китоблар ҳамда грам-пластинкалар тўплами ноёб на-шрлар бўлиб қолди.

Устоз санъатшунос Файзулла Кароматов устоз-шоғирд анъаналарининг мустаҳкам-ланишига катта ҳисса қўшиб, санъатшуносликнинг турли соҳаларида ёш мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қошида Исроҳ Ражабов раҳбарлигида музика маданияти тарихи секторини очиб, унга ёш шарқшунос-олимларни жалб этди. Бу эса, ўз навбатида, музикаий-тарихий-шунослик мутахассислиги бўйича талабалар тайёрлаш масаласи кун тартибига қўйилишга сабаб бўлди. Шу тариқа Ф. Кароматов ташаббуси ҳамда раҳбарлигида илк бор консерваторияда "Шарқ музикаси" кафедра-си очилди. Бу, шубҳасиз, Марказий Осиё, Яқин ва Урта Шарқ халқлари музика маданиятини ўрганишчи та-дқиқотчилар ва анъанавий ижрочилик бўйича хонанда-созандаларни тарбиялашда янги йўналиш бўлди. Ҳозир консерваторияда му-зикаий шарқшунослик, анъанавий хонанда ва анъанавий созандалик каби учта махсус ка-федраси фаолият кўрсатаётгани, шу йўналиш-лар музика мактаблари, коллеж ва лицей-ларда ҳам очилгани устоз саз-харақатла-ри самарасидир. Ана шу саз-харақатлар натижасида ўтган асрнинг саксонинчи йил-ларига келиб "Файзулла Кароматов макта-би" шаклланди ва бу мактабнинг довури кенг тарқалди. Устоз Марказий Осиё, Ев-ропа ва Америка, жумладан, Эрон, Ироқ, Иордания, Судан, Ливия, Англия, Австрия, Германия, Польша, Руминия, Чехия, Слова-кия, Швейцария ва АҚШнинг турли штатла-ридаги етакчи олимлар билан доимий ҳам-корликда фаолият олиб борди. Турли халқ-аро илмий анжуманларда республикамиз му-зика илмини шараф билан намойиш этди.

Ф. Кароматовнинг катта илмий ва жамо-атчилик фаолияти давлатимиз томонидан юксак баҳолаб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони би-лан тақдирланди. Заҳматкаш олимнинг ил-мий-ижодий фаолияти, эришган ютуқлари ёш авлод санъатшунослари учун ҳам ибрат мактаби бўлиб қолади, деган умиддамиз.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
санъатшунослик фанлари доктори

ФИЛМНИ ШАРҲЛАШ КЕРАКМИ?..

(“ЎзАС” 2014 йил, №42.)

Газетада чоп этилган кино санъатига бағишланган давра суҳбати дилимда йиғилиб қолган гапларни қозғога туширишга ундади. Яқинда ойнаи жаҳон орқали "Премерадан сўнг" кўрсатувининг бир сонига кўзим тушиб қолди. Студияда бошловчи ва филм ижодкорлари, давра катнашчилари эса асосан санъат ва маданият институти талабаларидан иборат эди. Очигини айтганда, "муҳокама"да фикрлар чучмал, тиш-тироқсиз, жуда эҳтиёткорлик билан айтилди, асосан, умумий гаплардан иборат. Филмни макташп-тими ёки камчилиги айтилаётгани — англаш қийин. Агар бироқ иштирокчи жиндек кескинроқ гап айтган бўлса, дарҳол режиссёрга қарата: "Кўнглингизга ол-массиз, деб умид қиламан", дейди. Ҳа, кўнглини ран-житиб қўйиш ёмон. Ундан ҳам ёмони — режиссёр ва актёрлар ҳар бир танқидий фикрни ошқора оғриниб қабул қилишмоқда. Уларнинг ҳолати худди ўқланган милтиқдек ёки ҳар қандай зарбани қайтаришга шай тур-ган шарқона яккакураш устасига ўхшайди. "Бачкана филм" дейсизлар, ўша бачкана филмларга ҳам қанча меҳнатларимиз сингган", дей-ди бир актёр бўлиб. Лекин ҳар қанча маънавий ва меҳнатини ўзи қамқили қилишини наҳотки ўша бил-майди. Яхши филм ишлаш учун чуқур билим, истеъ-дод ва катта маҳорат ҳам жуда зарур-да!

Тўғри, ҳар қим ўз ҳақиқатини ҳимоя қилиб яшайди. Жумладан, ўша актёр ҳам, таъбир жоиз бўлса, бо-зордаги молини "ёмон" дегиси келмайди. "Голливуд, Болливуд ёки ўзимизники бўлсин, ҳали ҳаммага юз фоиз ёқадиган филм бўлмаган", дейди у. Ҳақ гап! Лекин бу, ҳаммага тўқсон фоиз ёқмайдиган филм ишласа ҳам бўлади, дегани эмас-ку. Сўнгги йиллар-да бир-бирига ўхшаш филмлар жуда кўпайиб кетди. Аммо улар ҳеч бўлмаганда "Суюнчи", "Абдуллажон" ва "Кичкина табиб"га ўхшаб довуқ қозона олмапти-ку. "Филмларимиз савиясининг тушиб кетишига ҳу-сусий студиялар айбдор", деган важа унчалик қўшил-маймиз. Ҳозир барча соҳада бўлгани каби, кинода ҳам имконият ва шароитлар бисёр. Ҳар йили давлат бю-юртмаси билан ва нодавлат студияларда эллика яқин филм ишланаётгани фикримиз далили бўла олади. Афсуски, аксарият картиналар худди айрим қўшиқ ва клипларга ўхшаб "бир марталик" бўлиши одат тусига кириб қолди.

Хуллас, юқоридаги кўрсатувда қатнашган ижодкор-лар ўзлари ишлаган филмнинг камчиликларини асло тан олгиси келмади! Охири, бошловчи даврадаги кес-кинлики юмшатмоқчи бўлди, шекилли, режиссёрга қарата, "Илтимос, шу маслаҳатларга амал қилсангиз", деди-қўйди. Шундан сўнг режиссёр бироз юмшаб, сизлар бачкана деб ўйлаётган фалон-фалон кўриниш-лар орқали аслида мана бундай фикрни бермоқчи эдик, дея анча-мунча шарҳлаб берди. Бунчи тушуниш учун танқид эмас, тафаккур зарур...

Ҳақиқатдан ҳам, филмни кўрган томошабин ҳеч вақони тушунмаса, айб — ўзида! Лекин ким ижодкор-лари унинг "яширин" мазмунини салкам ҳижжаляб тушунтириб бергач, айрим фалсафий маънолар бор-лигини англагандек бўлишарди. Шу ерда савол туғи-лади: филмни профессионал файлсүфлар эмас, кенг омма кўради-ку. Шундай экан, филм-ни ҳам худди футболга ўхшаб махсус шарҳлаб туриш керакми?

Кино санъати пайдо бўлганидан буюн баҳс бўлаяётган бир савол бор: "Яхши филм то-мошабин талаби билан яратилганими ёки томошабин яхши филм таъсирида тарбияланганими?" Бу саволга бугунги кундаги аҳолидан келиб чиқиб, шу айд жав-об бериш мумкин: "Филм томошабин талаби билан яратилгани ва томошабин худди шу филм таъсирида тарбиялангани..." Аниқроқ қилиб айтганда, бугун ак-сарият филмларимиз ёшларнинг дунёқарашидан ке-либ чиқиб, уларнинг савияси ва дидига мослаб иш-ланаётганга ўхшайди. Уларни кўриш учун асосан кол-леж талабалари бир-икки марта зални гуррос тўлдир-са бас, кинога сарфланган маблағ ҳам ортиғи билан хоҳазолар эсга тушадиган бўляпти. Шундай филмлар-дан бирининг "энг қизик" (кульминация) жойи... Бир аёлнинг бетайин болага қарата: "Нега машинами ми-ниб кетдинг?! Ҳозир кўзингни ўйволайми?!..." дея шан-ғиллашдан иборат. Бор-йўғи — шу. Аммо бундай фил-млардан ёшлар қандай "тарбия" олаётгани масаласи янада баҳсли бўлиб қолляпти...

Бахтиёр ХАЙДАРОВ,
журналист

Бугунги кунда Ўзбекистон композиторларининг сара асарлари жаҳон бўйлаб кенг янграётгани, халқаро фестивал ва танловларда шухрат қозо-наётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбек музикасининг миллий руҳи, умуминсо-ний оҳанглари дунё музикашунослари

Айтиш жоизки, фестивалга юборилган 100 дан ортиқ асарлар халқаро миқёсида тузилган нуфузли хайъат танловидан ўтиб, энг саралари концерт дастурларидан ўрин олди. Хайъат қарорига биноан, "Муҳаббат қўшиғи" номли симфоник поэмам халқаро

ВЕТНАМДА МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

этирофига сазовор бўлмоқда. Яқин-да Вьетнамда бўлиб ўтган "Осиё-Ев-ропа халқаро замона-вий музика фести-вали"да ҳам ўзбек му-зикаси баралла янгради. Фестивалда ўз асари билан иштирок этган таникли компо-зитор, Ўзбекистон Республикаси санъ-ат арбоби Рустам Абдуллаев ижодий сафар таассуротлари ҳақида қуйида-гиларни гапириб берди:

— Ханойда бўлиб ўтган "Осиё-Евро-па халқаро замонавий музика фести-вали" беш кун давом этди. Анжуманда 32 мамлакатдан келган эллика яқин композиторларнинг асарлари янгради.

фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Вьетнам миллий симфо-ник оркестри томо-нидан таникли япон дирижёри Мураками Нанако раҳбарлигида ижро этилди. Аса-

римга нисбатан бундай эътибор нафа-қат менинг ижодимга, балки Ўзбеки-стон музика санъатига бўлган ҳурмат ва эҳтиром, деб биларман.

Таъкидлаш жоизки, фестивалда қат-нашган машҳур композиторлар, дири-жёрлар ва ижрочилар давлат миқёси-да кутиб олинди. Тантанали ёпилиш ма-росимида бир гуруҳ фаол ижодкорларга "Музикани ривожлантиришга қўшаётган

қўшиб келмоқдалар. Бунга ўтган йили Озарбойжон, Қозоғистон, Татаристон-да ўтган халқаро музика фестивалла-рида гувоҳ бўлганман. Қолаверса, ўзи-миз ҳам 1998-2004 йиллар мобайнида тўрт мартаба халқаро симфоник му-зика фестивалларини ўтказдик. Шу фестивалларнинг бирида вьетнамлик ижодкорлар ҳам қатнашган эдилар. Халқаро аҳамиятга молик бундай ура-шувлар композиторларимизнинг ижо-дий салоҳиятини янада бойитиб, янги-янги асарлар яратишга илҳомлантир-моқда, композиторлик ижодиётини юқори поғоналарга олиб чиқмоқда.

Муҳайё НАБИЕВА ёзиб олди.

Зукко китобхон

Мутула маданиятини шакллантириш баркамол ав-лод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Бу масалага "Соғ-лом бола йили" Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратилган. Пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган музика ва санъат академик лицейида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Зукко китобхон" танлови китобсевар болаларнинг чинакам анжуманига айлан-ди. Бу йилги беллашув ҳам кўплаб истеъдодли бола-ларни жамлади. Иштирокчилар жамоаларга бўлиниб, тўрт босқичда куч синашишди. Улар орасида намуна-ли ўқиб, бадий асар мазмунини шарҳлаш, воқеа ва қаҳрамонларга баҳо бериш каби шартлар бор эди. Шунингдек, болалар Шарқ мумтоз адабиёти бўйича ҳам ўз билимларини синаб қўришди. Ҳакамлар хулосасига кўра "Мезон" жамоаси танлов ғолиби, деб топилди. Бел-лашувда иштирок этган барча болаларга мамлақати-миз наشريётларида сўнгги йилларда чоп этилган янги китоблар совға қилинди.

Гули ИМОМОВА

Буюк композитор "ҳаёт"

Адабиёт тарихида буюк шахсларнинг мемуар асарлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода XIX асрда яшаб ўтган буюк немис композитори Рихард Вагнернинг "Менинг ҳаётим" деб номланган икки жилдли мемуар аса-ри жаҳоннинг кўплаб тилларида қайта нашр этилиши нафа-қат музика ихтосмандлари, айни чоғда, адабиёт мухлис-лари учун ҳам арзигулик совға бўлди. Ўтган йили жаҳон жамо-атчилиги 200 йиллигини кенг нишонлаган Р. Вагнернинг ушбу асари муаллифининг ўн беш йиллик ҳаётига доир эсдалик-ларини ака эътирган. Муаллиф ўз давридаги кўп қиррали Европа ҳаёти манзараларини рўй-рост қаламга олган. Унда композиторнинг оддий темирчи қўшиқсиздан тортиб, қирол-лик аспоздалари ва етуқ санъат намояндалари ҳаётигача ёрқин гавдалантирилган. Бироқ унинг ҳаётидаги энг муҳим жиҳат — асарлари хануз баҳс-мунозараларга мавзу бўлаёт-ган буюк композиторнинг бутун жаҳонда катта қизиқиш би-лан қаралаётган шахсиятидир.

Янги нашрлар

Педагог-журналист, мунаққид, ношир сифатида китобхонларга яхши таниш бўлган Ўсарали Нишонов қатор адабий-танқидий мақолалар муаллифи ҳамдир. Яқинда унинг турли йилларда республика нашрларида чоп этилган адабий-танқидий мақолалари, "Тўқайга ўт тушса..." хотира қиссаси ҳамда ҳаётини воқеалар асосида ёзилган хангомалари ўрин олган "Қалб даъвати" номли китоби нашрдан чиқди.

Тўпламдаги адабий-танқидий мақолаларда муаллиф ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари, ёзувчи ва шоирларнинг бадий маҳорати ҳақида мулоҳаза юритади, сўз ва мавзу танлаш санъати, услубдаги ранг-

баранг жиҳатларни қиёслаш орқали ижодкорларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этади. "Шеърга кўчган туйғулар", "Нафосат ошиғи" каби мақолаларда ўзбек шеърлигида самарали ижод қилган шоирлар лирикасидаги етакчи мотивлар ҳақида фикр юритади.


Шунингдек, "Диспетчер"ни "Нозим" десак-чи?, "Сўна" турна эмас" сингари танқидий мақолаларида муаллиф эътиборсизлик оқибатида юзага келган камчиликлар ҳақида сўз юритади. Китобдан ўрин эгаллаган таржима, ҳаётини хангомалар ҳам ўқувчини берадиган қолдирмайди.

"Гулхоннинг тўплам қилган шеърларини ўқиб, уларни шарҳлашдан кўра, лирик қаҳрамонга хат шаклида фикримни айта қолай, деб ўйладим. Чунки унинг шеърларини гапириб бериш мушкул: сўзлар худди муҳраб, қулфлаб қўйилганга ўхшайди... Сатрлар ўша ҳаёлий Ишқнинг нолишларига тўла. Сўз бунчалар қалин ғамларни қандай кўтарганига одам ҳайрон қолади...", деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Рафуров китобга ёзган сўзбошида.

Майсалар қулади — изтироб.
Қулларим кетади ёнгани.
Қўнғилга сиққаним олганман,
Не эди қолгани...
Қолгани?..

Шоира санокли сўзлар орқали қалбини титроққа солган кечинмаларини баён этади, санокли сўзлар воситасида уларнинг тасвирини расом янглиғ моҳирона чиғади.

Вазира ИБРОҲИМОВА,
талаба



Чингиз АХМАРОВ. «Мева кўтарган қиз»

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ
ҲАЁТИДАН

Нодар Думбадзе ва қуёш

Таниқли грузин адиби Нодар Думбадзе (1928-1984) асарлари кўп минглаб китобхонлар муҳаббатини қозонган. У Тбилисида туғилган бўлса-да, ота-онаси мустабид тузумнинг ўтган аср 37-йилги қатағонида қамалгач, ёшлиги боболари яшаётган Хидистави қишлоғида кечган. Шу ерда мактабни битириб, Тбилиси университети иқтисод бўлимида ўқийди. Бироз вақт ўз соҳасида ишлагач, турли адабий журналлар ва киностудиянинг сценарий бўлимида фаолият олиб боради. 1965-1973 йилларда "Нанги" ҳажвий журнали бош муҳаррири, 1981 йилдан Грузия Ёзувчилар уюшмаси раҳбари бўлган.

Илк шеърлари университет тўпламларида, ҳажвий ҳикоялари эса алоҳида китоблар тарзида босилиб, ижодига қизиқиш уйғотган. "Мен, буюм, Илеко ва Илларион" қиссаси аксарият театрларда сахналантирилган, машҳур кинорежиссёр Тенгиз Абуладзе бадий филм яратган. "Мен қуёшни кўрайман", "Қуёшли тун", "Хавотир олма, онажон", "Оқ байроқлар", "Абадиёт қонуни" каби қисса ва романлари қайта-қайта нашр этилиб, адибга жаҳоншумул шухрат келтирди. Н.Думбадзенинг шеър ва достонлари, болаларга аталган асарлари, публицистик мақола ва сарфномалари майин лиризм ва драматизми, юмор хисси билан ажралиб туради. Уларда қуёш олийҳимматлик ва инсонпарварлик тимсолига айланган, эзгулик ва ёвузлик кураши, инсоннинг бахтли яшаш ҳуқуқи, севги-муҳаббатга интилиши бетақдор ифода этилган. Адиб сценарийлари асосида "Кукарача", "Абадиёт қонуни", "Мен қуёшни кўрайман" ва бошқа бадий филмлар яратилган. Н.Думбадзе Грузиянинг нуфузли мукофотлари ва халқаро мукофотлар билан тақдирланган. "Абадиёт қонуни" романи, кўлаб ҳикоялари моҳир таржимон Низом Комилов томонида ўзбек тилига ўғирилган.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОЛАМИДА



А.ПОПОВ олган сурат.

Яқинда Мисрнинг Гиза шаҳрида ўтказилган "Қўлда ясалган ўйинчоқлар-2014" халқаро болалар танловида дунёнинг барча давлатларидан ёш ижодкорлар ўз асарлари билан иштирок этидилар. Қўвонарлиси шундаки, танловда иштирок этган юртимизнинг ёш истеъодлари Фотима Собирова, Дилдора

Қаюмова олтин, Дурдона Нуруллаева, Маржона Эгамовалар эса кумуш медалга сазовор бўдилар. Иштирокчилардан беш нафари халқаро танловнинг дипломи билан тақдирланди.

— Мустиқиллик йилларида ўқувчиларимиз "Шанкар" халқаро танлови, "Тошкент қувончлари" халқаро болалар расмлари биен-

наеси каби тадбирларда мунтазам иштирок этиб, турли совринларни кўлга киритмоқдалар, — дейди Қашқадарё вилоятининг ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори Нилу-

Кўргазма залларида

фар Холмуродова. —Болалар ясаган юмшоқ ўйинчоқлар шу йилнинг апрел ойида халқаро танловга жўнатилган эди. Танлов шартига кўра қўғирчоқлар юмшоқ, табиий газламадан тайёрланиши боис, Дилдора Қаюмова "Буюк ипак йўли"га бағишланган композицияда пахта ва матодан қарвондаги туяни акс эттирди. Қувноқ айқича қўғирчоғини Дурдона Нуруллаева чиройли ва пухта ясади. Қолган иштирокчи қизлар ҳам ҳар бир қўғирчоқни меҳр-муҳаббат билан ясадилар. Уларнинг астойдил қилган меҳнатлари, излашлари зое кетмади.

Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими Бадий академиянинг анжуманлар залида бўлиб ўтди.

С.КОСИМОВА

Халқаро маданият қарвонсаройида расом Юрий Гребенюкнинг Соғлом бола йилига бағишланган "Куз баҳори" номли кўргазмаси очилди. Экспозициядан муаллифнинг юртимизнинг сўлим гўшалари акс этган ижод намуналари ўрин олган. "Ботатган қуёш ёғдусидаги лолақизғалдоқлар", "Севгилим сайради", "Бувимнинг полизида", "Ҳаёт худди қуёш каби", "Яна баҳор келди", "Абадийлик ҳақида ўй" каби ман-

"КУЗ
БАҲОРИ"

заралар томошабинга баҳорий кайфият бағишласа, "Болаликдаги ўйинчоқларим", "Шарқ жумбоқлари" каби картиналари ва графикадаги ишлари кишини ўйга толдиради. Моҳирона танланган мавзу ва ранглар мутаносиблиги унинг асарларида улуғворлик бағишлайди. Рассом республика ва халқаро кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси. Ю.Гребенюк асарлари хорижий давлатларнинг коллекцияларидан ҳам ўрин олган.

Тадбир

УСТОЗ
ҲОФИЗ
ХОТИРАСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида мумтоз мусиқа ва ашулаларга бағишланган назм ва наво кечаларини ўтказиш анъанаси айланган. Яқинда бўлиб ўтган шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон халқ ҳофиси Фаттоҳон Мамадалиев хотирасига бағишланди.

Тадбирни очган консерватория профессори Равшан Юнусов устоз санъаткорнинг миллий маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирди. Хотира кечасига бағишланган концерт дастурида Ҳасан Ражабий, Маҳмуд Тожибоев, Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Бекмурод Дўстмуродов, Замира Сунонова каби таниқли санъаткорлар, ҳофизнинг шогирдлари ва "Нихол" мукофоти совриндорлари ижросида мумтоз куй-қўшиқлар янгради.

Наврўзбек СОБИРОВ

Инсон — қонот гултожи

Таниқли шоир ва эсселар устаси Эдуардас Межелайтис (1919-1997) Литвининг Карейвишский қишлоғида туғилган. Гимназияда фашистик ғоялар ва ҳар қандай шовинизмни қабул қилмаган муаллимлардан сабоқ олиб, Каунасадда Буюк Витаутас ҳамда Вилнюс университетлари ҳуқуқ бўлимида ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши даврида 16-Литва дивизиясида ҳарбий муҳбир бўлган. Урушдан сўнг ёшлар журнали муҳаррири, ёзувчилар уюшмаси раҳбари вазифаларида фаолият олиб борган. Шоирнинг С.Нерис ҳамда С. Есенин шеърляти аъналарига ҳамоҳанг бўлган поэтик услуби ҳаётбахш халқ оғзаки ижодида баҳраманд. Шеърларида халқ дурди ва табиатга узвий боғлиқлик уфуриб туради. Шоир А.Пушкин, М.Лермонтов, Т.Шевченко, Ш.Петер-шеърларини она тилига таржима қилган, болалар учун кўлаб китоблар ёзган. "Қардошлик достони" эпик поэмаси, "Менинг булбулим", "Бегона тош", "Қаҳрабо-даги қуёш", "Лирик этюдлар", "Нон ва сўз", "Жануб манзараси", "Тунги капалаклар", "Уфқлар", "Қаҳрабо қуш" каби шеърли ва насрий тўпламлари теран интеллектуализми, фалсафий мушоҳада ва публицистик нафоси билан ажралиб туради. Э. Межелайтиснинг инсон ва у яшаётган замин ҳақида, бутун инсоният тақдирига дахлдорлик туйғуси теран акс этган "Инсон" китоби унга оламшумул шухрат келтирган. Шоирнинг энг сара шеърли асарлари кўлаб жаҳон тиллари, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

"Қумушранг кўрфаз"
довруғи

Қирқ беш ёшли инглиз адибаси Жожо Мойес "темирни қизигида босиш"га устасифаранг ёзувчи сифатида танилмоқда. Унинг "Қумушранг кўрфаз" романи бундан аввалги "Бир плюс бир" асари каби бестселлерга айланиши шубҳасиз. Ишқ-муҳаббат мавзусидаги янги роман икки ойдаёқ ярим миллион нусхада сотилиб кетди. "Метро-Голдвин-Майер" киностудияси эса, вақтни бой бермай асарни экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олди.

"Дейли телеграф" газетасида махсус устунга муаллифлик қилаётган журналист-адиба муштарийлар орасида катта қизиқиш уйғотаётган мавзуларни яхши идрок этгани боис, чайналган ишқий хангомаларни ҳам романтизм, комедия ва ижтимоий мавзуга бозори чаққон нисбатда уйғунлаштириб, ўз жанрини кашф этган. Янги роман қаҳрамони Лиза Маккалин ўз ўтмишини унуттишни орзу қилади. Австралиянинг сокин шаҳарчаси, овлоқ соҳиллару самимий одамлар руҳан ором олиш имконини берадигандек туюлади. Бирок зукко ва келишган, урдабурдон Майк Дормернинг машҳур курортда пайдо бўлиши қизнинг ҳаёллари чунвалаштириб юборади... Адиба икки мартаба "Йилнинг энг яхши романи" номинацияси билан ассоциацияси мукофоти сазовор бўлган. "Сен билан учрашгунга қадар" романи эса "Нью-Йорк таймс" газетасининг бестселлерлар рўйхатида киритилиб, жаҳондаги ўттиздан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Учрашув

ПЎСТИ ШЎР, МАҒЗИ ШИРИН ШЎРДАНАК

Юртимизда жулда кўлаб ҳажвий гуруҳлар ўз томошалари билан юртдошларимизга қулни улашиб келмоқда. Телевидениенинг "Ўзбекистон" канали орқали дам олиш кунлари хонадонингизга кириб борадиган "Шўрданак" гуруҳи аллақачон ўз муҳлисарига эга бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Гуруҳ аъзолари Дониёржон Ҳасанов ҳамда Эркин Жўлчиев ижро этаётган ҳажвий лавҳалар қисқа бўлса-да, катта мазмунга бойлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Айниқса, "Шўрданак"нинг ҳажвийларида меҳмондорчилик ва тўй билан боғлиқ баъзи камчиликлар енгил қулни остига олинаётгани томошабинларга манзур бўлаётди. Қуйида қизиқчилар ижодидан олинган янги хангомалар билан танишасиз.



— Дўстим, айт-чи, сен учун қай бири азиз: машинами ё хотин?

— Берган саволингни қара-ю. Ахир, машина хотиннинг номиди бўлгандан кейин, хотиним азиз-да!

Уйингоҳда ўтирган томошабин ёнидаги шеригига сўз қотди:
— Менга анави бўйнига қизил галстук тақиб олиб югураётган спортчи ёкади.

— Қизикмисан, бу галстук эмас, тил-ку!

Меҳмондан мезбон сўрабди:
— Айбга буюрмайсиз меҳмон, айтинг-чи, сиз чойга қанча қанд соласиз?

— Уйда икки дондан, меҳмонга борганимда, уй эгасини хафа қилмаслик

учун чойга 3-4 тадан қанд соламан.

— Унда ўз уйингиздек бемалол ўтираверинг.

— Бобо, нега айрим йигитлар сузишиб кўришади.

— Миёсидаги қуртни ўлдириш учун, болам.

— Бобо, момом билан қандай танишгансиз?

— Ҳамма қатори, болам. Аввал исмини сўраганман. Кейин кимнинг қизи эканини, бироздан сўнг секин қўлидан тугиб, уни ёқтириб қолганимни айтганман.

— Каерда, учратгансиз момомни? Истироҳат боғидами?

— Йўғ-ей, чимилдикда...

Чаман АРОМОВА тайёрлади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган кўйғазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4658 Буюртма 1 — 1057. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

